# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2012 йил 15 сентябрь, № 182-183 (5602-5603) Шанба


# БАРҚАРОР ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

**Пойтахтимиздаги Симпозиумлар саройида 14 сентябрь куни Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан ташкил этилган «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди.**



Анжуманда кўплаб нуфузли халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, жумладан, БМТ, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки вакиллари, АҚШ, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Буюк Британия, Франция, Германия, Канада каби дунёнинг қирқ бешдан ортиқ мамлакатидан етакчи экспертлар ҳамда бизнесменлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижлик дипломатлар иштирок этди.

Конференция Ўзбекистонда барқарор иқтисодиётни шакллантириш ва ижтимоий ислоҳотларни амалга оширишнинг муҳим бўғини сифатида кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни юксалтириш борасидаги илғор тажрибани ўрганиш, халқаро ҳамжамиятни мамлакатимизда ушбу соҳада эришилаётган ютуқлар билан кенг таништиришга бағишланди.

Халқаро форумнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Ўзбекистон истиқлолнинг дастлабки кунларидан барча жабҳаларда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига эга демократик ҳуқуқий давлатни барпо этишга қаратилган кенг кўламли комплекс ислоҳотларни амалга ошириш ва ривожлантириш бўйича ўз йўлини танлади. Президентимиз Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган беш тамойил ва изчил ислоҳотлар стратегиясига асосланган мамлакатимизни ислоҳ этиш ҳамда модернизация қилиш бўйича «ўзбек модели» бераётган юксак самаралар бугун бутун дунёда эътироф этилган. Давлатимиз раҳбари юритаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг пухта ўйлангани, ислоҳотларни амалга оширишга тадрижий ёндашувлар ушбу ижобий жараёнларни ортга қайтариб бўлмаслигининг кафолатига айланди. Глобал молиявий-иқтисодий инқироз даврида ўзининг барқарорлигини намоён этаётган миллий иқтисодиётимизнинг изчил ривожланаётгани ҳам шундан далолатдир. Масалан, сўнгги йилларда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари ўртача камида 8,2 фоизни ташкил қилмоқда. Халқаро валюта жамғармасининг сўнгги баҳолаш миссиясининг баёнотида Ўзбекистон жадал ривожланиб, глобал молиявий инқирозни енгиб ўтгани қайд этилган, шунингдек, ўрта муддатли истиқболда мамлакатимизда юқори иқтисодий ўсиш суръатлари сақланиб қолишига катта ишонч билдирилган.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг бош мақсади — кучли, рақобатбардош миллий иқтисодиётни яратиш ва шунинг ҳисобидан аҳоли фаровонлигини мунтазам ошириб боришдир. Шу сабабли давлатимиз раҳбари замонавий бозор механизмлари, уларнинг самарадорлигини таъминлаш ва шу асосда мамлакатимизда барқарор бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг муҳим шартига айланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, истиқлол йилларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар, имтиёз ва преференциялар яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш устувор йўналишга айланди.

Миллий иқтисодиётимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушининг ортиб бораётгани ички бозорни рақобатбардош ва сифатли товарлар билан тўлдириш, замон талабларини инобатга олган ҳолда, хизматлар кўрсатиш соҳасини кенгайтириш, экспорт таркибида жаҳон бозорларида харидоргир, юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотларни кўпайтириш, аввало, ёшлар учун янги иш ўринларини яратиш ва шу асосда аҳоли даромади ҳамда фаровонлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири бўлди.

Конференцияда Осиё тараққиёт банки вице-президенти Шиао Джао мустақил Ўзбекистон 21 йил давомида ҳақли равишда фахрланса арзийдиган улкан тараққиёт ва ютуқларга эришганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда қарор топган қулай ишбилармонлик муҳитининг ҳуқуқий асосларини мунтазам такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг мантиқи ва изчиллиги, барча соҳа ва тармоқларни жадал ривожлантириш, жаҳон бозорларида тез ўзгариб турган шароит иқтисодиётни бошқариш тизимини янада эркинлаштиришни тақозо этмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида тадбиркорлик фаолияти учун янада кенг имконият ва эркинликлар яратиш мақсадида қатор муҳим қонунчилик ташаббусларини илгари сурди. Жумладан, янги таҳрирдаги «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун, «Рақобат тўғрисида», «Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишлар қисқартирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди.

Шу ўринда Президентимиз ташаббуси билан «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонун қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу Қонун бизнеснинг янги тури — оилавий бизнеснинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини белгилаб берди, ушбу турдаги фаолиятни давлат томонидан рағбатлантиришни мустаҳкамлади, оилавий корхона аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, меҳнат муносабатларини тартибга солди. Миллий анъаналаримиз ва хўжалик фаолиятининг объектив воқеликларига тўлиқ мос келадиган ушбу бизнес шакли бугун мамлакатимизда кенг қулоч ёймоқда. Янги иш ўринлари ташкил этилаётир, одамлар барқарор даромад олмоқда, оилалар, умуман, бутун халқимиз фаровонлиги изчил юксалаяпти.

Мамлакатимизда миллий иқтисодиётимиз салоҳиятини ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ҳамда аҳамиятини изчил оширишга доир кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Чунончи, 2011 йил Ўзбекистонда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилингани, бу борада тегишли Давлат дастури амалга оширилгани ҳам шундан далолатдир. Мазкур дастурни самарали рўёбга чиқариш мақсадида давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 24 августда қабул қилинган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига биноан, соҳа субъектлари учун қатор янги имтиёз ва преференциялар жорий қилинди, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатлари кучайтирилди.

Соҳа субъектларини рўйхатга олиш жараёнлари соддалаштирилди, очиқлик ва ошкоралик тамойилларига амал қилиш кўлами кенгайтирилди, «ягона ойна» тамойили жорий қилинди. Энди тадбиркор ўз бизнесини ташкил қилиш учун икки кун ичида рухсат олиши мумкин. Муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш, экспорт товарларини божхонада расмийлаштириш тартиб-таомиллари сезиларли даражада соддалаштирилди.

Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг вице-президенти ҳамда молия ва хусусий секторни ривожлантириш масалалари департаменти раҳбари Джанамитра Деван кичик бизнесни самарали қўллаб-қувватлаш иқтисодий тараққиётни таъминлашда муҳим роль ўйнашини таъкидлади. Ўзбекистонда ушбу соҳа ривожи йўлида ёрдам кўрсатиш иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш ва уни диверсификация қилишни таъминлашнинг зарур шарти сифатида белгиланган.

Конференция қатнашчилари Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил июль ойида қабул қилинган «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари Ўзбекистонда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш борасидаги навбатдаги муҳим қадам бўлганини таъкидладилар.

Анжуманда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит ажратиш тизими иқтисодиётнинг ушбу тармоғини жадал ривожлантиришга кўмаклашадиган муҳим йўналишлардан бири экани қайд этилди. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, микромолиялаш бу борадаги энг самарали механизмлардандир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 май куни қабул қилинган Фармонига мувофиқ, «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки ташкил этилди ва у бугун Марказий Осиё ва Европа мамлакатларидаги энг яхши ўнта микромолия банклари қаторидан жой олди. Мазкур банк кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига, айниқса, қишлоқ жойларда фаолият кўрсатаётган, дастлабки капитални шакллантириш, янги корхоналар ва иш ўринларини ташкил қилишда кўмаклашмоқда, уларга фаолиятини ривожлантириш учун имтиёзли кредит ресурсларидан кенг фойдаланиш борасида самарали хизмат кўрсатмоқда.

Анжуманда сўзга чиққан Ислом тараққиёт банки вице-президенти Бирама Сидибе Ўзбекистонда кичик бизнес миллий иқтисодиёт асосига айланганини таъкидлади. Ислом тараққиёт банки мамлакатимизда ушбу сектор унинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида қўллаб-қувватланаётгани ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ошириш учун қулай муҳит яратиш бўйича энг яхши стратегия эканини эътироф этди. Ўзбекистон 2003 йилда Ислом тараққиёт банкининг аъзоси бўлди. Ўтган давр мобайнида банк мамлакатимизга устувор йўналишларга оид 34 лойиҳани молиялаш, жумладан, хусусий секторни ривожлантириш учун жами 923 миллион АҚШ доллари ажратди. Биз, деб таъкидлади Ислом тараққиёт банки вице-президенти, бундан буён ҳам бугунги барқарор тараққиётнинг энг муҳим ҳаракатлантирувчи кучи бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда мамлакатингизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёрмиз.

Ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга оид комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши самарасида ушбу секторнинг Ўзбекистон иқтисодиётидаги ўрни тобора ошиб бормоқда, рақобатбардош маҳсулот турлари ва ишлаб чиқариш ҳажми кўпаймоқда. 2012 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда 13 мингта янги кичик бизнес субъекти ташкил этилди. Уларнинг аксарияти ишлаб чиқариш тармоқларида фаолият кўрсатаётир. Ушбу даврда бугун, асосан, электрон савдолар орқали амалга оширилаётган давлат харидлари тизимига 132 минг нафардан зиёд тадбиркор жалб этилди.

Бозор муносабатлари ва хусусий мулк ҳуқуқлари устуворлиги эътиборга олинган ҳолда, жаҳон бозорида муносиб рақобатлаша оладиган миллий иқтисодиётни шакллантириш — мунтазам ривожланаётган ва янада жадал тус олаётган жараёндир. Бугун Ўзбекистонда кичик ва хусусий корхоналар нафақат савдо, хизматлар кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаларида фаолият юритаётир, балки инновацион, нано ва биотехнологиялар, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда саноатда, илмталаб юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ҳам уларнинг улуши ортиб бораётир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятда иштирок этиш, ташқи бозорларга маҳсулот чиқариши учун яратилаётган имкониятлар ҳам кенгаймоқда.

Конференциянинг ялпи мажлисида сўзга чиққан БМТ Тараққиёт дастурининг Европа ва МДҲ бўйича минтақавий бюроси директорининг ўринбосари Хаолянь Шу, Хитой иқтисодий тадқиқотлар маркази раҳбари Жастин Лин, Берлин халқаро иқтисодиёт академияси директори Хайне Йоахим Кнаупе (ГФР), Корея кичик ва ўрта бизнес корпорацияси президенти Пак Чеол Кью (Жанубий Корея) ҳамда бошқа чет эллик экспертлар ва хорижий ишбилармон доиралар вакиллари Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар бераётган самаралар, мамлакатимиз фаровонлигининг узлуксиз ошишига хизмат қилаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш бўйича кўрилган самарали чора-тадбирларни юксак баҳолади. Анжуманнинг чет эллик қатнашчилари мамлакатимизда Президент Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналишлари доирасида давом этаётган улкан бунёдкорлик ишлари олдимизга қўйилган мақсад — дунёнинг иқтисодиёти ривожланган давлатлари қаторидан жой олиш ва келажакда Ватанимиз янада тараққий этишини таъминлаш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилишига ишонч билдирдилар.

Сўнгра конференция ўз ишини секция мажлисларида давом эттирди. Уларда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — иқтисодиётни диверсификация қилиш ва барқарор ривожлантириш асоси», «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни шакллантириш ҳамда ривожлантиришнинг муҳим омиллари ва шартлари», «Тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий кафолатлари ва эркинликлари, хусусий мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш», «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — ўрта синф мулкдорларини шакллантириш ҳамда жамият ижтимоий барқарорлигини таъминлашнинг асоси ва манбаи», «Экспорт салоҳияти ва халқаро ҳамкорликни кенгайтиришда кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликнинг роли», «Хусусий секторни аҳоли бандлиги ва даромадини оширишнинг омили сифатида ривожлантириш» каби масалалар кенг муҳокама этилди.

Конференция иши натижалари бўйича якуний ҳужжат қабул қилинди.

«Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзуидаги халқаро анжуман бозор иқтисодиёти ривожланган демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга қаратилган, мамлакатимизни ислоҳ ва модернизация қилишнинг «ўзбек модели» жаҳон ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотаётганини яна бир бор тасдиқлади. Ўзбекистон танлаган ўз тараққиёт йўлининг нақадар тўғрилигини вақтнинг ўзи кўрсатиб турибди. Бугун мамлакатимиз бутун дунёга қўлга киритаётган улкан ютуқларини намойиш этмоқда. Бу муваффақиятлар, ўз навбатида, халқаро майдонда Ўзбекистоннинг нуфузини ошириш, жаҳон хўжалик муносабатларидаги иштирокини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

**Анна ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**
**Сарвар ЎРМОНОВ**
**олган сурат.**

## Сўз — халқаро конференция иштирокчиларига

*Пойтахтимизда “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти” мавзуидаги халқаро конференция юқори даражада ўтказилди. Унда қирқ беш мамлакатдан икки юз элликка яқин давлат ва жамоат арбоблари, бизнесменлар, олим ва экспертлар, нуфузли халқаро молия ташкилотларининг вакиллари қатнашди.*

# «Юртингизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка берилаётган эътибор ва ғамхўрлик таҳсинга сазовор»

Конференция иштирокчилари томонидан Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида тўпланган тажриба ўрнак олишга арзигулик эканлиги эътироф этилди. Улар мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида қулай ишбилармонлик муҳити яратилгани бугунги иқтисодий барқарорлик ва ижтимоий фаровонлик асоси бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида қайд этдилар.

“Халқ сўзи” мухбирлари конференция қатнашчиларининг айримлари билан суҳбатлашди.

**Ҳамуд Саъад АЛТУРВАРИЙ, Саудия тараққиёт жамғармасининг ғазначилик департаменти бош директори ўринбосари (Саудия Арабистони):**

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг форумдаги нутқи менда унутилмас таассурот қолдирди. Давлатингиз раҳбарининг иқтисодиётни диверсификация қилиш, кичик бизнес субъектларини техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш, уларнинг инвестициявий лойиҳаларини тижорат банклари томонидан молиялаштириш борасидаги фикрлари, ҳеч иккиланмай айта оламанки, барчада бирдек қизиқиш уйғотди.

Юртингизга қадам қўйишимиз билан меҳмондўст халқингизнинг юксак ҳурмат ва эътиборини ҳис қилдик. Тадбир доирасида Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойлари, тарихий ҳамда меъморий обидалари, шунингдек, замонавий бино-иншоотлар билан яқиндан танишдим. Айниқса, миллий ва умумбашарий меъморчилик анъаналари асосида бунёд этилган “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройи ўзининг маҳобати билан мени ҳайратга солди. Бу ўзбек халқининг бунёдкорлик салоҳияти юксаклигидан ёрқин далолатдир.

Конференция ҳар томонлама фойдали ва самарали бўлишига ишонч билдирган ҳолда, уни юқори савияда ташкил қилган республикангиз ҳукумати ва халқига ўзимнинг чуқур миннатдорлигимни изҳор этаман.

---

**Герд ЛЕНГА, Шарқий ва Марказий Европа мамлакатлари билан иқтисодий ҳамкорлик ассоциацияси раҳбари (Германия):**

— Ўзбекистон иқтисодий ва инвестициявий салоҳияти юқори давлатлардан бири ҳисобланади. Бунга анжуман иштирокчилари жойларда бўлиб ўтган учрашувларда кичик бизнес субъектлари фаолияти билан яқиндан танишиб, яна бир карра ишонч ҳосил қилишди.

Мамлакатингизда иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, саноат тармоқларини модернизация қилиш, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларни юқори баҳолайман. Негаки, амалга оширилаётган бундай тизимли ислоҳотлар натижасида нафақат барқарор макроиқтисодий кўрсаткичларга эришилаяпти, балки аҳолининг ижтимоий муҳофазаси кучайтирилмоқда. Ҳар йили яратилаётган минг-минглаб янги иш жойларининг асосий қисми хусусий сектор ва қишлоқ жойлар ҳиссасига тўғри келиши диққатга сазовор.

Эришилаётган муваффақиятларнинг яна бир омили бор. Бу мамлакатингизда яратилган қулай инвестициявий муҳитдир. Президент Ислом Каримовнинг конференциядаги нутқида алоҳида таъкидланганидек, юртингизда чет эллик ишбилармонлар учун барча шарт-шароит яратиб берилган. Шунинг учун иқтисодиёт тармоқларига хориж инвестициясини киритиш ҳажми муттасил ортмоқда. Ўйланманки, мафтункор Тошкент шаҳрида ўтказилган мазкур нуфузли анжуман чет эллик инвесторлар билан алоқаларни янги поғонага олиб чиқишга хизмат қилади.

---

**Сиддхарт САКСЕНА, Марказий Осиё бўйича Кембриж форуми раҳбари (Буюк Британия):**

— Халқаро конференциянинг очилишида Президент Ислом Каримовнинг теран мазмунли ва кенг қамровли нутқида мамлакатингизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш йўлида ҳаётга изчил татбиқ этилган дастурлар самараси аниқ рақамлар ва далиллар асосида таҳлил қилиб берилди.

Чиндан ҳам, 18 йиллик кузатув ва таҳлилларимга таяниб, айтишим мумкинки, Ўзбекистонда бу соҳа тез суръатларда ривожланиб, иқтисодиётнинг муҳим таянчига айланди. Унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши мунтазам ошаётгани, бандликни таъминлашдаги ҳиссаси катталиги шундан далолатдир. Шу боис ҳам дунё ҳамжамияти Ўзбекистон танлаган йўлга юксак баҳо бермоқда. Хусусан, тадбиркорлик соҳасида тўпланган бой тажрибани дунёнинг кўплаб давлатларига намуна сифатида кўрсатса, арзийди.

Юртингизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка берилаётган эътибор ва ғамхўрлик таҳсинга сазовор. Анжуман доирасида давлатингиз раҳбари томонидан қабул қилинган кўплаб ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларда кўзда тутилган преференциялар билан яқиндан танишишга муваффақ бўлдим. Бу соҳанинг янада тараққий этишига, унинг экспорт салоҳиятини юксалтиришга кенг йўл очиши, шубҳасиз.

(Давоми 2-бетда).

# «Юртингизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка берилаётган эътибор ва ғамхўрлик таҳсинга сазовор»



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**Парвиз МОРВИЖ, Нью-Йорк давлат университети профессори, "Глобал илмий нашриётлар" маркази директори (АҚШ):**

— Президент Ислом Каримовнинг форумдаги нутқи менда катта қизиқиш уйғотди. Унда мамлакатингизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти, ўзига хос жиҳатлари атрофлича таҳлил этиб берилди.

Ўзбекистон танлаган мустақил тараққиёт йўли нақадар тўғри ва ишончли эканини унинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларда эришаётган муваффақиятлари мисолида яққол кўзга ташланмоқда. Жумладан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида ҳам мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари 8,5 фоиздан пастга тушмади. Кўплаб халқаро молия институтлари бунга алоҳида эътибор қаратиб, дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан бири сифатида эътироф этмоқда. Иқтисодиётни диверсификация қилиш, банк-молия тизимининг барқарорлигини ва ишончлилигини таъминлаш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, экспорт қилувчи корхоналарни, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хорижий инвестицияларни жалб этиш учун қулай муҳит яратиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ана шундай ютуқларнинг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда, деган фикрдаман. Қатор халқаро рейтинг агентликларининг Ўзбекистон банкларига мунтазам "Барқарор" баҳосини бераётгани ҳам бежизга эмас.

Мазкур нуфузли анжуман дунё тадбиркорлари ўртасида тажриба ва фикр алмашиш, амалий алоқаларни ўрнатиш учун жуда катта имконият яратди. Ўйлайманки, у Ўзбекистон иқтисодиётини янги босқичга олиб чиқишда ҳам беқиёс аҳамият касб этади.

**Тетсуджи ТАНАКА, Марказий Осиё ва Кавказ тадқиқотлар институти ижрочи директори, Кукушикан ва Такушоку университетлари фахрий профессори (Япония):**

— Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини доимо катта қизиқиш билан кузатиб бораман. Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, мамлакатингизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган юксак эътибор кўпдан-кўп иқтисодий ютуқларнинг муҳим пойдевори бўлиб хизмат қилаётир. Чунки ушбу соҳа иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш, ишсизлик муаммосини ижобий ҳал этиш ва аҳоли даромадларини оширишда катта роль ўйнайди. Масалан, юртингизда оилавий бизнесни ривожлантириш мақсадида ҳаётга татбиқ этилаётган қатор имтиёзлар, грант дастурлари ва кўрсатилаётган амалий ёрдамлар оилалар, демакки, бутун давлат фаровонлигини юксалтириш имконини бераяпти.

Долзарб мавзудаги бугунги халқаро конференцияда иштирок этиб, тадбиркорликка оид кўпдан-кўп маълумотларга эга бўлдим. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантириш борасидаги тажрибасини дунё миқёсида намуна қилиб кўрсатса арзийди, деган хулосага келдим.

**Мишель КЛОЗЕ, "MC Food Concept" компанияси бошқарувчи директори (Бельгия):**

— Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган "Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти" мавзуидаги халқаро конференция, шунингдек, унинг доирасидаги ўрин олган ҳар бир тадбир менда жуда катта таассурот қолдирди. Нуфузли анжуманда мамлакатингиз миллий моделининг ўзига хос жиҳатлари, хусусий сектор вакилларига яратиб берилган имтиёзлар, инвестициявий муҳит ҳақида атрофлича маълумотга эга бўлдим. Тарихий шаҳарларингизда ноёб меъморий ёдгорликларни зўр қизиқиш ила томоша қилиб, ҳунармандлар, оилавий бизнес вакиллари ҳамда тадбиркорлар фаолияти билан яқиндан танишдим. Буларнинг барчаси Ўзбекистон ҳақидаги тасаввурларимни бойитди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик янги иш ўринлари очиш, барқарор даромад манбаларини яратиш, шу орқали мамлакат иқтисодиёти барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омилидир. Ўзбекистон тажрибаси буни яққол тасдиқлаб турибди. Бугун юртингизда иш билан банд аҳолининг аксарияти айнан шу соҳада меҳнат қилар экан. Ялпи ички маҳсулот ҳажмида ҳам хусусий сектор вакилларининг улуши катта. Булар, албатта, соҳа ривожига давлат томонидан қаратилаётган эътибор самарасидир.

Халқаро анжуман ўзаро тажриба алмашиш, янги ҳамкорлар топиш, улар билан юзма-юз мулоқот қилиб, манфаатли алоқаларни йўлга қўйиш имконини берди. Келажакда ўзбекистонлик тадбиркорлар билан қўшма лойиҳаларни амалга оширсак, ажаб эмас.

Фурсатдан фойдаланиб, тадбирни жуда юксак савияда ўтказган ташкилотчиларга, меҳмондўст ўзбек халқига чексиз миннатдорлик билдирмоқчиман.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**Шавкат ОРТИҚОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

Юксалиш

*Мамлакатимизда фаол инвестиция сиёсати олиб борилаётган натижасида хорижий сармоядорлар иштирокидаги замонавий корхоналар сони тобора кўпаймоқда. Бу, ўз навбатида, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш имконини бераётир.*

# Корхоналарнинг экспорт салоҳияти ошмоқда

Айни пайтда Бухоро вилоятида, масалан, 62 та шундай корхона мавжуд бўлиб, уларнинг 27 таси енгил саноат, 6 таси қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, 5 таси меҳмонхона хизмати кўрсатиш, 4 таси қурилиш, 8 таси кимё ва фармацевтика, қолганлари эса турли йўналишлардаги хўжалик юритувчи субъектлардир. Шулардан бири — Бухоро шаҳрида фаолият кўрсатаётган "Ўз-Корея Медикал" қўшма корхонаси. Бу ерда тиббиёт соҳаси учун бир мартали шприцлар ишлаб чиқарилмоқда. Улар илгари импорт ҳисобига олиб келинган маҳсулот ўрнини босаяпти. Натижада валюта захираси тежалишига эришилмоқда. Қўшма корхона томонидан биргина 2011 йилда қиймати 3,1 миллиард сўмлик 69,1 миллион дона шприц харидорларга етказиб берилгани бунинг яққол далилидир.

— Мамлакатимиз Президентининг 2010 йил 23 мартдаги тегишли қарорига мувофиқ, корхонамиз Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган, — дейди унинг менежери Назира Мирзаева. — Бу эса жамоамиз учун бир қатор қулайликлар яратмоқда. Гап шундаки, хом ашё учун божхона тўлови, ягона солиқ тўлови борасида имтиёзларга эгамиз. Шулар ҳисобидан тежаб қолинган маблағни хом ашё сотиб олишга, ишчи-ходимларни моддий рағбатлантиришга, фаолиятимизни кенгайтиришга йўналтираяпмиз.

Айтиш жоизки, Маҳаллийлаштириш дастури ижроси туфайли жорий йилнинг ўтган олти ойида 772 миллион сўм миқдорида маблағ корхона ихтиёрида қолса-да, қирқ миллион дона бир мартали шприц ишлаб чиқарилди. Бу — ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан тўққиз миллионта кўп, дегандир.

— Бухоро нефть ва газ саноати касб-ҳунар коллежини тугатиб, шу корхонага ишга келганимга ҳали кўп вақт бўлгани йўқ, — дейди ўзини Жамшид Раҳимов деб таништирган ишчилардан бири. — Ишим ўзимга ёқади. Жамоамизда, асосан, ёшлар меҳнат қилади. Улар билан ёнма-ён ишлаётганимдан, жамиятга нафим тегаётганидан хурсандман.

Дарвоқе, Жамшид корхонанинг янги цеҳида меҳнат қилаяпти. Бу цеҳда болалар учун таглик ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Мазкур истиқболли лойиҳани амалга оширишда банк томонидан ажратилган 1 миллион 500 минг АҚШ доллари миқдоридаги кредит қўл келди. Пировардида қисқа муддат ичида 300 минг дона маҳсулот тайёрлашга эришилди.

Эътиборлиси, самарали фаолияти орқали вилоятда саноатни ривожлантириш ва бу соҳада экспорт ҳажмини оширишда салмоқли ўрин тутаётган бундай корхоналар сони йил сайин кўпаймоқда. "ДЭУ Текстиль Бухара", "Кнауф гипс Бухара" хорижий корхоналари, "Ўзкарпет", "Бухоро гиламлари", "Текстиль Спектрум колорс", "Пешкутекс", "Бухоро Баҳор" қўшма корхоналари ана шулар жумласидандир. Чунончи, 2005 йилда ташкил этилган "Бухоро гиламлари" Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонаси гилам ва полиакрил калава ип маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Ушбу корхона жамоаси гиламнинг асосий қисмини ички бозорга, полиакрил калава ип маҳсулотларининг эҳтиёждан ортиқчасини экспортга чиқармоқда. Бултур экспорт ҳажмининг ўсиш суръати 2010 йилдагига нисбатан 193 фоизни ташкил қилгани шундан далолатдир.

Умуман олганда, вилоятдаги қўшма корхоналар томонидан 2011 йилда жами 221,3 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, хизматлар кўрсатилди. Яъни бу ерда аввалги йилдагига нисбатан 30,2 фоиз ўсиш кузатилди. Шунингдек, уларда жами 54,3 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот ва хизматлар экспорт қилинди.

Қўшма корхоналарнинг жуғрофий жойлашуви таҳлил этилса, уларнинг кўпчилиги Бухоро шаҳри, Бухоро, Когон туманларида фаолият кўрсатаётган бўлиб, уларда салкам 2800 киши фойдали ижтимоий меҳнат билан банд. Эндиликда ўтган вақт давомида тўпланган тажрибага таяниб, қолган туманларга ҳам хорижий сармояни киритиш, чет эллик инвесторлар билан ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш чора-тадбирлари қўриляпти. Демак, вилоятда бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайтирилиши ютуқларни мустаҳкамлашга замин яратади.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Мамлакатимизда:

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Қорақалпоғистон Республикаси

*Қорақалпоғистон Республикасида шу йилнинг биринчи ярмида ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан 14,7 миллиард сўмлик кредитлар ажратилиши натижасида кўплаб янги корхоналар ташкил этилди.*

### Кредит — муваффақиятлар гарови

Ушбу имкониятдан самарали фойдаланган нукуслик тадбиркор Илҳом Турсунбоев ҳам "Қорақалпоқ қоғоз қайта ишлаш" масъулияти чекланган жамияти фаолиятини йўлга қўйди. Бунда банкнинг 30 миллион сўмлик кредитидан самарали фойдаланилди. Ўнга яқин иш ўринлари яратилган мазкур корхонада айни пайтда картон кутилар тайёрланиб, фермерлар ҳамда тадбиркорларга етказиб берилаяпти.

**Ҳ. АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Навоий

*Кармана туманидаги "Кармана Билнур" масъулияти чекланган жамияти ташкил этилганига икки йилдан ошди. Ҳозир бу ерда тайёрланаётган турли ўлчамдаги йўлак қопламалари сифатли ва бежиримлиги билан харидорларга манзур бўлмоқда.*

### Сифатли ва бежирим

Корхона жамоаси яқинда банкнинг 130 миллион сўмлик кредити эвазига темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ҳам ўзлаштирди.

— Ушбу лойиҳани ички бозор талабларини чуқур ўрганган ҳолда амалга оширдик, — дейди корхона раҳбари Зебо Нуриллаева. — Технологик ускунамиз йилига 1,5 минг донадан ортиқ темир-бетон маҳсулотлари тайёрлаш қувватига эга. Маҳсулотларимизга дастлабки буюртмаларни қабул қила бошладик. Шу билан бирга, ишчиларимиз сони 16 нафарга етди.

Эътиборлиси, туманда 2012 йилнинг олти ойида янги тадбиркорлик субъектларининг ишга тушиши ҳамда мавжудларининг фаолияти кенгайиши ҳисобига 850 та иш ўрни яратилди.

**А. ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Қашқадарё

*Вилоятда жорий йилнинг ўтган даврида кичик корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш эвазига 28 турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришда ўсиш таъминланди.*

### Рағбат ва натижа

Бу борада Шаҳрисабз туманидаги "Мастер Кеш" масъулияти чекланган жамиятига ҳам банк кўмаги қўл келди. "Ўзмиллийбанк" томонидан ажратилган 100 миллион сўмлик кредит ҳамда корхона маблағлари эвазига хориж технологияси асосида минерал сув ишлаб чиқариладиган линия ишга туширилди. Айни пайтда ўндан ортиқ иш ўринлари яратилган мазкур цеҳда кунига 2000 тагача бир литрлик қадоқдаги минерал сув тайёрланиб, "Шаҳри Кеш" савдо белгиси остида буюртмачиларга етказилмоқда.

**А. МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Замонавий технология самараси

*Республикамизда саноатнинг барча тармоқлари жадал ривожланиб, ички бозор рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдирилмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида соҳада ишлаб чиқариш ҳажми 7 фоизга оширилгани шундай дейишимизга асос бўла олади. Бундай юксалишга Президентимиз ташаббуси билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, янги саноат корхоналари барпо этилаётгани, мавжудлари техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилинаётгани ҳисобига эришилаяпти, албатта.*

Инвестиция



Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган хорижий инвестиция иштирокидаги "Prime Sopone" масъулияти чекланган жамияти ҳам тизимда рўй бераётган ўзгаришларнинг мевасидир. Мазкур корхонага, давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 28 январдаги "Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, ўша йили асос солинган эди. Импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадида дастлаб цехлар Италиянинг энг замонавий технологик линиялари билан жиҳозланди. Натижада хўжалик ва атир совунлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

— Ушбу лойиҳани муваффақиятли амалга оширишимизда "Ўзсаноатқурилишбанк" томонидан Германиянинг HVB банки линияси орқали ажратилган кредит қўл келди, — дейди корхона раҳбари Саидаброр Амирсаидов. — Пировардида 40 та иш ўрни яратиб, асосан, маҳаллий хом ашёдан рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлашга киришдик.

Бугунги кунда кичик корхонада меҳнат қилаётган ишчи-ходимлар сони қарийб 60 нафарни ташкил этади. Юқори малакали ҳамда касб-ҳунар коллежларини тамомлаган иқтидорли ёшлар томонидан ишлаб чиқарилаётган 10 хил совунга талаб тобора ортиб бораяпти. Айтайлик, ўтган йили республикамиз аҳолисига "My DREAM" савдо белгиси остида 800 тонна маҳсулот етказиб берилган бўлса, жорий йилнинг биринчи ярмида ушбу кўрсаткич 3 минг тоннага етказилди.

Келгусида ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш, янги турдаги маҳсулотлар, хусусан, суюлтирилган совун ишлаб чиқаришни ўзлаштириш режалаштирилмоқда. Ички бозорда харидоргир бўлиб бораётган корхонанинг рақобатбардош маҳсулотларини экспорт қилиш борасида ҳам изланишлар олиб борилаяпти. Зеро, юртимизда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити миллий иқтисодиётимиз таянчи, тараққиётимиз бунёдкорлари бўлган тадбиркорларни юксак марралар сари руҳлантирмоқда.

**Р. САИДОВ.**
**Ҳ. ПАЙДОЕВ олган сурат.**

# ОЛИЙ СУД ВА ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ ПЛЕНУМЛАРИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий судида Олий суд ва Олий хўжалик суди пленумларининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, судьялар, ҳуқуқшунос олимлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.*

Олий суд раиси Б. Мустафоев, Олий хўжалик суди раиси Д. Мирзакаримов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча соҳа ва тармоқларда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар самарасида бозор муносабатлари жорий этилиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик кенг йўл очилгани мамлакатимиз иқтисодиёти жадал ривожланишига хизмат қилаётганини таъкидлади. Бунда иқтисодиётни ислоҳ этишга қаратилган миллий қонунчилик асослари яратилгани ва ҳаётга татбиқ этилаётгани соҳани янада либераллаштириш ва модернизация қилишда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, рақобатни ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар комплекси қабул қилинди. 2011 — 2015 йиллар даврида Ўзбекистон иқтисодиётида ислоҳотлар миқёсини кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича тасдиқланган чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш доирасида сўнгги йилнинг ўзида тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш, хусусий мулк устуворлигини таъминлаш ва унинг ҳуқуқий муҳофазасини кучайтириш, корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятига давлат ва назорат қилувчи идоралар аралашувини камайтиришга оид аниқ чора-тадбирлар рўёбга чиқарилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 18 июлда қабул қилинган "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида мамлакатимизда ишбилармонлик ва инвестиция муҳити даражасининг халқаро рейтингини янада оширишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, корхоналарнинг фаолияти билан боғлиқ тартиб-таомилларнинг барча турларини соддалаштириш ва очиқ-ойдинлик даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Судлар томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Тадбиркорлик, деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолияти билан боғлиқ фуқаролик ишларининг судлар томонидан кўрилиши юзасидан ўтказилган умумлаштириш якуни мазкур тоифадаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғри йўлга қўйилганини кўрсатди. Ишларни кўришда процессуал муддатларга риоя қилинган, ишларни судда кўришга тайёрлаш босқичларига тўғри ёндашилган.

Айрим хато ва камчиликларнинг олдини олиш, ягона суд амалиётини жорий этиш, Фуқаролик процессуал кодекси, Хўжалик процессуал кодекси, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун нормаларини тўғри қўллаш масаласида "Тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан боғлиқ қонун ҳужжатларини суд амалиётида қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"-ги пленум қарори лойиҳаси тайёрланди. Пленумлар қўшма мажлисида мазкур қарор лойиҳаси муҳокама этилди.

Мазкур қарор мазмун-моҳияти билан қонунларни амалда бир хилда қўллаш, ягона суд амалиётини шакллантириш мақсадида судларга раҳбарий кўрсатмалар бериш, қисқача айтганда, одил судлов сифати ва самарадорлигини оширишга, муҳими, тадбиркорлар ҳуқуқлари ҳимояси изчил таъминланишига хизмат қилади.

Мажлисда кўриб чиқилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Пленумлар қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р. Қодиров иштирок этди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги

# НУТҚИ

Муҳтарам конференция қатнашчилари, хонимлар ва жаноблар!

Сиз, қадрли меҳмонларимизни, нуфузли халқаро институтлар — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банкининг вакилларини, етакчи олим ва мутахассислар, бизнесменлар, дунёнинг 45 та мамлакатидан ташриф буюрган барча конференция иштирокчиларини қутлаш, сизларга ўзимнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромимни ҳамда анжуман ишида иштирок этаётганингиз учун самимий миннатдорлигимни билдириш менга катта мамнуният бағишлайди.

Бугунги анжуман учун «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» деган мавзунинг танланиши бежиз эмас. Бу, биринчи навбатда, Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб иқтисодиётнинг ушбу тармоғини жадал ривожлантиришга устувор аҳамият берилгани бизга эски мустабид, режали-тақсимот тизимидан қолган инқирознинг ўта ўткир муаммоларини ҳал этишда энг муҳим омил, таъбир жоиз бўлса, локомотив бўлиб хизмат қилгани билан боғлиқ.

Мазкур соҳани тез суръатлар билан тараққий топтириш ва умуман, мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича биз танлаган модель 2008 йилда бошланган, бугунги кунда, афсуски, чуқурлашув тенденциясига эга бўлиб бораётган глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий ва ҳалокатли оқибатларининг олдини олиш ҳамда бартараф этишда Ўзбекистон учун ҳал қилувчи роль ўйнади.

Жаҳон миқёсида янги рецессия ва банкротлик тўлқини, стагнация ва ишлаб чиқаришнинг пасайиш хавфи тобора ортиб бораётгани, қарздорлик мажбуриятлари ва бюджет тақчиллиги ўсаётгани, ишсизлик муаммоси, аҳоли ҳаёт даражаси ва турмуш шароитининг кескин ёмонлашуви, шунинг натижасида одамларнинг умумий норозилиги ва ижтимоий кескинлик кучайиб бораётгани хавотирга солмай қўймайди.

Банк секторини янги пул массаси, шунингдек, молия бозорини турли деривативалар, яъни, иккиламчи маҳсулотлар ҳисобидан назоратсиз равишда тўлдириш давом этаётгани нафақат инқироздан чиқиш муддатининг чўзилишига, балки миллий валюталарнинг янада қадрсизланиши ва шу билан боғлиқ оқибатларга олиб келиши мумкин. Бунинг устига, катта миқдордаги валюта маблағлари реал иқтисодиётга етиб бормасдан, жаҳон иқтисодиётида асосан, спекулятив ҳолатлар ва стагнация жараёнини кучайтирмоқда.

Қисқача айтганда, юзага келаётган аҳвол жаҳон иқтисодиётидаги муаммоларни тезда ҳал этиш имконини бермаяпти.

Шу нарса тобора аён бўлмоқдаки, инқироздан чиқиш жараёни ҳали яна узоқ давом этиши кутилмоқда ва унинг қачон тугаши ҳақида олдиндан бир нарса дейиш кўп жиҳатдан қийин бўлиб қолмоқда.

Биз мазкур конференция доирасида инқирознинг салбий оқибатларини юмшатиш ва бартараф этишнинг муҳим омили бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида тўплаган тажрибамиз асосида сизлар билан фикр алмашишни истар эдик.

Ўз-ўзидан равшанки, ялпи ички маҳсулотнинг 80 фоизи ва меҳнатга лаёқатли аҳолининг камида 70 фоизи иқтисодиётнинг ушбу сектори улушига тўғри келадиган, юксак ривожланган ва ривожланаётган давлатларда юз йиллар давомида тўпланган бой тажриба бизни жуда қизиқтиради. Бу биз учун ниҳоятда муҳимдир.

Мен мана шу залда кўплаб хорижий меҳмонларимизни кўриб турганимдан ғоят мамнунман. Сизларнинг ушбу конференцияда иштирок этаётганингиз, ялпи мажлислар, секция йиғилишларидаги чиқиш ва маърузаларингиз, ўзбекистонлик ҳамкасбларингиз билан қилган яқин мулоқотларингиз, юртимизнинг турли шаҳарларига ташриф буюриб, баъзи объектларни бориб кўрганингиз, ўзаро баҳс ва фикр алмашувлар — буларнинг барчаси мазкур форумни ҳар томонлама бойитиб, унда фикрлар ранг-баранглигини таъминлашга, бу анжуманнинг сизлар кутган натижаларни беришига ишончим комил.

Бунинг учун сизларга самимий миннатдорлик билдираман.

Қадрли дўстлар!

**Ўйлайманки, бугун ўзимизга бир саволни бериш ҳар томонлама мантиқий бўлади. Яъни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни устувор йўналиш сифатида белгилаш нима билан, қандай омил ва сабаблар билан боғлиқ эди?**

Бунинг сабабларини қисқача баён этадиган бўлсак, улар қуйидагилардан иборат.

**Биринчидан,** жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, иқтисодиётнинг муҳим таркибини ташкил қилувчи тармоқ бўлган кичик бизнес ички бозорни зарур товар ва хизматлар билан тўлдиришнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қилади.

Кичик бизнес нафақат иқтисодиётдаги маълум бир бўшлиқларни тўлдиради, балки уни диверсификация қилиш ва барқарор суръатлар билан ривожлантиришни таъминлашда ўта муҳим роль ўйнайди.

Тадбиркорлик бизнеси аҳоли бандлиги ва даромадининг ўсишини таъминлашда, айниқса, бизнинг шароитда қандай муҳим аҳамият касб этишини баҳолашнинг ўзи қийин. Қуйидаги рақамларни эътиборга оладиган бўлсак, шундай хулоса чиқариш мумкин.

Агар 2005 — 2011 йилларда мамлакатимиз иқтисодиётида 5 миллиондан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилган бўлса, уларнинг 60 фоиздан ортиғи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳиссасига тўғри келади. Бунинг натижасида ҳозирги вақтда мамлакатимизда иш билан банд бўлган жами аҳолининг 75 фоиздан кўпроғи ушбу соҳада меҳнат қилмоқда.

Ўйлайманки, ана шу рақамларнинг ўзиёқ кўп нарсани англатади ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ишончли йўлдан бораётганидан далолат беради.

**Иккинчидан,** тузилишига кўра ихчам, қарорлар қабул қилишда тезкор ва ҳаракатчан, янги тартиб-қоидаларни қисқа муддатда ўзлаштирадиган кичик бизнес жаҳон ва минтақалар бозорларидаги талаб ва конъюнктура ўзгаришларига анча тез мослашади.

**Учинчидан,** кичик бизнесни ташкил қилиш ва юритиш катта харажат ҳамда капитал қўйилмаларни талаб этмайди. Бу эса ишлаб чиқаришни тез ва осон модернизация қилиш, техник ҳамда технологик қайта жиҳозлаш, янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш, уларнинг номенклатурасини мунтазам янгилаб бориш ва рақобатдошлигини таъминлаш имконини беради.

**Тўртинчидан,** жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таҳдид ва салбий оқибатларига йирик корхоналарга нисбатан ушбу соҳанинг бардош бера олиш қобилияти анча юқоридир.

Фақат кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш ҳамда ушбу соҳанинг мамлакатимиз иқтисодиётида устувор мавқега эга бўлиши натижасида биз 2008 — 2009 йилларда глобал инқирознинг салбий оқибатларини ортиқча қийинчилик ва талафотларсиз енгиб ўтиш, ишлаб чиқаришни жаҳон бозори конъюнктураси ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда қисқа муддатларда қайта ташкил этишга муваффақ бўлдик.

Саноатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тармоғининг ўсиш суръатлари 2008 — 2009 йилларда ўртача 23-24 фоизни, хизматлар ва сервис соҳасининг ўсиш суръатлари эса 15-16 фоиздан кам бўлмаган кўрсаткични ташкил этди.

**Бешинчидан,** кичик тадбиркорлик нафақат даромад манбаи, балки одамларнинг ижодий ва интеллектуал қобилиятини рўёбга чиқариш воситаси ҳамдир. Мазкур соҳа ҳар бир кишига ўз истеъдоди ва имкониятларини намоён этиш учун замин туғдирмоқда, шу тариқа ташаббускор, омилкор, мустақил фаолият юрита оладиган, ўз олдига қўйган мақсадларига эришишга қодир инсонлар тоифасини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўрта синфни шакллантириш учун мунтазам кенгайиб бораётган база бўлиб хизмат қилмоқда. Ўрта синф эса, маълумки, ҳар қандай демократик жамиятнинг асоси бўлиб ҳисобланади.

Бугунги кунда айнан шу соҳани ривожлантириш ҳисобидан жамиятдаги ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий барқарорликдан манфаатдор бўлган, мамлакатимизни тараққиёт ва демократик ислоҳотлар йўлидан ривожлантиришда фаол куч бўлиб майдонга чиқаётган ижтимоий қатлам шаклланмоқда.

Ишончим комилки, ана шу ва бошқа омилларни чуқур англаш Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга қаратилган улкан эътиборнинг сабабларини тушуниш имконини беради.

Шуни айтишнинг ўзи кифояки, 20 йил аввал Ўзбекистонда хусусий тадбиркорлик деярли йўқ эди, бугун эса мавжуд барча хўжалик субъектларининг 90 фоиздан ортиғини кичик бизнес корхоналари ташкил этади. Ҳозирги кунда ялпи ички маҳсулотнинг 54 фоизи, ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 22 фоизи ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 98 фоизи айнан шу соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда.

Ўйлайманки, конференция қатнашчилари бизнинг ўтган йиллар мобайнида бу соҳада эришган ютуқларимизни муносиб баҳолайдилар.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, мамлакатимиз тарихида азал-азалдан хусусий тадбиркорлик муҳим ўрин тутиб келгани кўп жиҳатдан кичик бизнеснинг жадаллик билан ривожланишига хизмат қилмоқда.

Биз аждодларимиздан мерос бўлган тадбиркорлик анъаналари, ота-боболаримизнинг асрлар давомида ўз ери, ўз мулки ва касб-корини эъзозлаб, қадрлаб, ҳар томонлама асраб-авайлаб келгани билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

**Яна бир ғоят муҳим масала, яъни Ўзбекистонда тадбиркорлик ва кичик бизнес соҳаси айнан қандай принциплар асосида, қандай заминда ривожланаётгани ҳақида қисқача тўхталиб ўтишга ижозат бергайсиз.**

Бу ҳақда гапирганда, аввалambор, соҳа ривожи учун мустаҳкам қонунчилик ва ҳуқуқий база шакллантирилгани ва мунтазам такомиллаштириб борилаётгани, бизнес учун имтиёз ва преференциялар бериш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда модернизация қилиш масалаларида давлат томонидан тизимли равишда ёрдам кўрсатилаётганини таъкидлаш лозим.

Ўтган асрнинг 90-йиллари бошларидаёқ конституциявий норма ва тамойиллар асосида қабул қилинган «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида», «Мулкчилик тўғрисида»ги қонунлар қисқа муддатда саноат, савдо, умумий овқатланиш ва хизматлар соҳаларидаги ўн минглаб, юз минглаб давлат мулки бўлган объектларни хусусий мулкка айлантириш учун сотиш, мулкни ижарага бериш принципларини биринчи навбатда қишлоқ хўжалигида жорий этиш имконини яратди.

Мамлакатимизда 2000 йилда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда асосий роль ўйнади. Ушбу Қонунда фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши учун барча асосий кафолат ва шартлар мустаҳкамлаб қўйилган, тадбиркорлик ва бизнес субъектларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари муҳофаза этилган.

Солиққа тортиш масаласи доимий равишда эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда. Фақат 2005 йилдан 2012 йилгача бўлган даврда микрофирма ва кичик корхоналар учун айланма маблағдан олинадиган ягона солиқ тўлови ставкаси 2,5 баробар камайтирилиб, 13 фоиздан 5 фоизга туширилди, халқ амалий санъати ва оилавий бизнес объектлари эса умуман солиққа тортилмайди ёки энг кам ставка бўйича солиққа тортилади.

Алоҳида эътиборга молик жиҳати шундаки, биз жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида кўпгина давлатлар каби инқирозга қарши дастурлар доирасида солиқ ставкаларини нафақат оширмадик, балки аксинча, кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкасини камайтирдик, харидоргир бўлган истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарни 5-7 йилга солиқ тўловидан озод қилдик, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилайдиган, модернизация қиладиган корхоналарни эса божхона тўловларидан бутунлай озод қилдик.

Фақат 2011 йилнинг ўзида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган солиқ имтиёзларининг умумий миқдори 500 миллион доллардан ошди. Корхоналар ушбу маблағнинг 35 фоизини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва модернизация қилишга, 25 фоизини ишчиларни рағбатлантиришга йўналтирди.

Давлатнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий ва коммуникация-транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга қўшаётган ҳал қилувчи ҳиссасини эътиборга оладиган бўлсак, унинг кичик корхоналар ҳамда тадбиркорлик фаолиятини шакллантириш ва ривожлантириш борасидаги ролини баҳолашнинг ўзи қийин.

Бу борада мамлакатимизда ташкил этилган «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ва «Ангрен» эркин индустриал зонасида юксак технологиялар асосида самарали фаолият кўрсатаётган бизнес субъектлари тажрибасини мисол тариқасида келтириш мумкин.

«Навоий» саноат зонасида муҳандислик тармоқлари, логистика, таъминот тизимлари қурилишига давлат томонидан 100 миллион долларга тенг миқдордаги маблағ сарфланди. Бу ўнлаб замонавий ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этишга хорижий сармоядорларни фаол жалб қилиш имконини берди.

Бу йил ташкил қилинган «Ангрен» саноат зонаси учун умумий қиймати 60 миллион доллардан зиёд бўлган ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва коммуникация тармоқларини шакллантириш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда.

Буларнинг барчаси нима учун, қандай мақсадларни кўзлаб амалга оширилмоқда?

Биз кичик бизнес соҳаси бундай кенг кўламли ишларни тўлиқ ўз зиммасига олиши мушкул эканини яхши тушунамиз. Чунки кичик бизнес бундай катта харажатларни кўтара олмайди. Шунинг учун давлат томонидан тадбиркор ва ишбилармонлар эҳтиёжини тўлиқ қондирадиган, уларни рағбатлантирадиган шарт-шароитларни яратиш мақсадида зарур инфратузилма ва коммуникациялар барпо этилмоқда. Бу табиий ҳол ва унинг моҳияти барчага аён бўлиши керак.

Биз бугунги кунда ташкил этаётган, алоҳида имтиёзларга эга бўлган бундай эркин иқтисодий зоналарга киритилаётган хорижий сармоялар миқдори 30 миллион доллардан ортиқ бўлса, ўша объектлар инфратузилмаси юз фоиз давлат томонидан молиялаштирилади.

Айни ана шу омиллар иқтисодиёт ва тадбиркорликнинг жадал суръатлар билан ўсишини таъминлаётган, давлатимиз томонидан кўрилаётган рағбатлантирувчи чора-тадбирлар ҳисобланади.

**Хусусий тадбиркорликни шакллантириш ва кенгайтиришни рағбатлантиришда оптималлаштириш ва имтиёзли кредитлаш масалалари ҳал қилувчи омил бўлмоқда.**

Фақат 2011 йил якунларига кўра, ушбу тармоқни ривожлантириш ва рағбатлантиришга мамлакатимиз банклари томонидан 2,5 миллиард долларга тенг қийматдаги кредитлар ажратилди, бу берилган умумий кредитлар ҳажмининг 26 фоизини ташкил этади.

Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Ислом тараққиёт банки каби халқаро молия институтлари, БМТ тузилмалари, Араб Мувофиқлаштириш гуруҳи мамлакатлари, Жанубий Корея, Хитой, Германия ҳукуматлари, бошқа давлатлар ва ташкилотлар томонидан бу борада кўрсатилаётган катта ёрдамни юксак қадрлаймиз. Мазкур давлатлар ва ташкилотлар томонидан ўтган йиллар давомида иқтисодиётимизнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тармоғини молиялаштириш учун 1,5 миллиард доллардан ортиқ кредит ресурслари ажратилди.

Бу ҳақда гапирар эканман, Ўзбекистондаги барча тадбиркорлар номидан ва шахсан ўз номимдан БМТ ҳамда банк тузилмалари раҳбарлари ва намояндаларига, бугунги анжуманимизда иштирок этаётган хорижий давлатлар элчихоналари вакилларига Ўзбекистонда бизнес соҳасининг шаклланиши ва муваффақиятли ривожланишига қўшаётган ҳиссаси учун яна ва яна бир бор самимий миннатдорлик изҳор этаман.

**Бугунги кунда фақат юксак билимли, замонавий фикрлайдиган, интеллектуал ривожланган ва профессионал тайёргарликка эга бўлган ёшларгина сифатли, жадал ва инновацион тараққиётнинг энг муҳим шарти ва гарови бўла олиши, айнан улар мамлакатнинг буюк келажагини таъминлаши мумкинлигига кимнидир ишонтириш ёки буни исботлаб беришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.**

Ана шу ғоят муҳим жиҳатни эътиборга олган ҳолда, Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш масаласи давлат сиёсатининг энг устувор йўналиши этиб белгиланган. Мана, 15 йилдирки, мамлакатимизда кадрлар тайёрлашнинг ноёб тизими амалга оширилмоқда.

Бу тизимнинг моҳияти 9+3 тамойили асосида 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизимига ўтишдан иборат. Бунда умумтаълим мактабларидаги 9 йиллик таҳсилдан сўнг ёшлар кейинги 3 йил мобайнида касб-ҳунар коллежларида ёки ўз хоҳишига кўра академик лицейларда ўқишни давом эттиради.

Одатда, лицейлар олий ўқув юртлари ва университетлар ҳузурида, мактаб таълимидан кейинги ўқишни давом эттириш учун ташкил қилинади.

Ўтган йиллар давомида қарийб 1,5 минг янги, энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртлари — коллежлар барпо этилиб, уларда 3-4 та замонавий мутахассислик бўйича касб-ҳунарга эга бўлиш ва камида иккита чет тилини ўрганиш имконияти яратилган.

Фақат сўнгги 5 йил давомида ушбу ўқув юртларини 2 миллион 500 минг нафардан ортиқ ёшлар тамомлаб, ҳозирги вақтда мамлакатимизда янги барпо этилган замонавий корхоналар ва фермер хўжаликларида меҳнат қилаётган юртдошларимизнинг сафларини тўлдирмоқда.

Мен ишонаман, сиз, азиз меҳмонларимиз — бугунги форум иштирокчиларининг кўпчилиги Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларидаги коллежлар ва лицейларга ташриф буюриб, бўлажак кадрлар-мутахассислар тайёрлаш даражаси ва сифати билан танишиш асносида бу сўзларимизга ишонч ҳосил қилиш ва уларнинг амалий тасдиғини кўриш имконига эга бўлганлар.

Мен сизлар билан яна бир ўта муҳим масала юзасидан фикрлашмоқчиман.

Биз Ўзбекистонда бизнес юритишни истаган инсонлар ва албатта, сиёсатчилар, дипломатлар, хорижий меҳмонлар билан турли мавзуларда кўп суҳбатлашганмиз.

Менга биз бугун барпо этаётган жамият ўз олдига қандай мақсадларни қўйгани ҳақида савол беришганида, мен уларга қуйидагича жавоб бераман.

Агар сиз бу саволга тўлиқ жавоб олишни, бизнинг бу борада амалга ошираётган ишларимизни ўз кўзингиз билан кўриб, ишонч ҳосил қилишни истасангиз, бизнинг коллеж ва лицейларимизга боринг. Майли, ҳаммасига эмас, фақат бир нечтасига бориб кўринг, деб айтаман.

Айнан шу масканларда Ўзбекистоннинг эртанги кунини кўрасиз. Бу даргоҳларда янги авлод вояга етмоқда. Биз йигирма бир йилдан буён, миллий манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда, мустақил тараққиёт йўлидан бораяпмиз.

Юртимиздаги бугунги одамлар, бугунги ўзбекистонликлар эркин фикрлайдиган, ўз кучига ишонадиган, собиқ Иттифоқда мавжуд бўлган турли иллат ва кайфиятлардан мутлақо холи бўлган инсонлардир. Бу — бизнинг авлод!

Эски замонда юқорида ўтириб ҳамма нарсани биладиган, ҳамма нарсани ҳал қиладиган бош котиб бор, деган кайфият билан яшар эдик. Табиийки, биз бундай кайфият билан ривожлана олмас эдик. Собиқ тузум айнан шунинг учун ҳам барбод бўлди, тарқалиб кетди. Чунки у тараққий этишга қодир эмасди.

Бутун дунё, демократик жаҳон ҳамжамияти қандай ривожланаётган бўлса, шундай ривожланишимиз керак эди. Биз мустақилликка эришганимиздан сўнг айнан шу йўлни танладик.

Ўйлайманки, бунинг амалий тасдиғини кўраман десангиз, ҳозирги ёшларимиз билан, олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда таълим олаётган, уларни битириб чиқаётган йигит-қизларимиз билан кўпроқ суҳбатлашинг. Шунда сиз бугун Ўзбекистонда қандай авлод вояга етаётганига ва у ўзининг эртанги ёруғ истиқболини қандай тасаввур этаётганига ишонч ҳосил қиласиз.

Ҳурматли конференция иштирокчилари!

Сир эмаски, бизнеснинг эркин фаолият кўрсатишининг асосий мажбурий шартларидан бири, биринчи навбатда, **тадбиркорлик эркинлигининг кучли ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш,** уларни сўзда эмас, амалда бажариш, **давлат, ҳуқуқ-тартибот, назорат органлари ва тузилмалари томонидан уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувларга чек қўйиш** ҳисобланади.

Тадбиркорлик субъектларининг давлат, ҳуқуқни муҳофаза этувчи ва назорат органлари билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқларининг устуворлиги тамойили қонунчилик даражасида жорий этилган, бунда қонунчиликдаги ҳар қандай қарама-қаршилик ва номувофиқ ўринлар тадбиркорлар фойдасига талқин қилиниши керак. Кичик бизнес субъектларида улар рўйхатдан ўтган пайтдан бошлаб уч йил давомида режали солиқ текширувларини ўтказишни тақиқлайдиган ва кейинчалик барқарор фаолият юритаётган, солиқ қонунчилиги ва тартиб-интизомга қатъий риоя қилаётган солиқ тўловчиларда текширувлар ўтказишни чеклайдиган тартиб жорий этилган.

2005 йилдан бошлаб тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг рухсат бериш тизимидан хабардор қилиш тизимига ўтилди. Ўз бизнесини очиш учун тадбиркорга икки кундан ортиқ бўлмаган муддат талаб этилади ва бу қоида ривожланган давлатларда амал қилаётган мезонларга жавоб беради.

**Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини қўллаб-қувватлайдиган институционал ва бозор инфратузилмасини шакллантиришга катта эътибор қаратилмоқда.** Товар хом ашё биржаси бозорда нархлар шаклланиши ва юқори ликвидли хом ашё ресурслари ва товарларидан тенг фойдаланиш имкониятини яратишнинг энг муҳим воситаси ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимизда биржа савдоларининг изчил йўлга қўйилган механизми мавжуд бўлиб, у ҳар бир тадбиркорга **хом ашё ресурсларидан биржа савдолари орқали тенг ва ҳеч қандай тўсиқларсиз фойдаланиш имкониятини бермоқда.**

Жорий йилда мамлакатимизда экспорт қилувчи корхоналар, шунингдек, хорижий инвесторлар учун қўшимча рағбат ва имтиёзлар берилди. Шу йилнинг июль ойида Халқаро молия корпорацияси билан ҳамкорликда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кўпроқ эркинликлар бериш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, улар асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг иккита фармони қабул қилинди.

Мамлакатимизда статистик, молиявий ва солиқ ҳисоботларини тақдим этиш, солиқ ва мажбурий тўловларни тўлаш, рўйхатга олиш ва рухсат бериш жараёнларини амалга ошириш, хўжалик судларига даъво аризалари ва тавсияномалар киритиш бўйича электрон тизимни кенг жорий этиш кўзда тутилган бўлиб, бу ўз навбатида давлат, назорат қилувчи органлар билан тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги бевосита алоқаларни сезиларли даражада қисқартириш ёки бутунлай бекор қилиш имконини беради.

Тасдиқланган чоралар жорий йилнинг 1 августидан бошлаб бизнесни рўйхатга олиш пайтидаги тартиб-қоидалар сонини 2 баробар қисқартириш имконини берди, рўйхатдан ўтишдан аввал бирламчи устав жамғармасини шакллантириш бўйича талаб бекор қилинди, тадбиркорлик субъектларининг суд харажатлари 2,5 баробар қисқартирилди.

Давлатнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини тубдан камайтириш мақсадида жорий йилда рухсат беришга оид 80 та тартиб-қоида, шунингдек, лицензияланадиган фаолият турларининг 15 таси бекор қилинди, молиявий ҳисоботларни топширишнинг шакллари ва даврийлиги 1,5 баробар қисқартирилди. Бундан ташқари, 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб 65 та статистик ҳисобот шакли ва 6 та солиқ ҳисоботи шаклини бекор қилиш, уларни топшириш даврийлигини 2 баробардан зиёд қисқартириш ҳақида қарор қабул қилинди.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, мамлакатимизда қабул қилинган қонунчилик талабларига кўра, **давлат органларининг ноқонуний қарорлари, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги, шунингдек, қонунчиликка зид тарзда қабул қилинган идоравий ҳужжат туфайли тадбиркорлик субъектига етказилган зарар давлат томонидан қопланади.**

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Бугун биз ўз мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб танлаб олган **мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш, тадрижий ривожланиш йўли ва машҳур беш тамойил асосида барпо этиладиган фуқаролик жамиятини шакллантириш модели** тарихан қисқа муддатда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг мустаҳкам пойдеворини яратишни таъминлади, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларига ишончли равишда қарши туриш, дунёдаги саноқли мамлакатлар қаторида иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг юксак барқарор суръатларига эришиш имконини берди, деб айтиш учун барча асосларимиз бор.

Сўнгги 6 йил давомида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот йилига 8,2 фоиздан кам бўлмаган суръатлар билан ўсиб бормоқда. Ялпи ички маҳсулот, 2000 йил билан солиштирганда, 2,9 баробар, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2,6 баробар ошди, иқтисодиётга жалб қилинган инвестициялар ҳажми 3,4 баробар, жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори 20 баробардан кўпроқ ўсди.

Бу нимадан далолат беради? Бу шундан далолат берадики, хорижий сармоядорлар бизга ишонмоқда. Бу чет эл инвесторлари киритган сармоялар ўзини оқлаши ва Ўзбекистонда бизнес қоидаларининг ҳеч қачон бузилмаслигига бўлган ишончни билдиради. Шунинг учун ҳам бизнинг юртимизга киритилаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг оқими кескин ортиб бормоқда. Демак, биз жаҳон бизнес оламига, дунё ҳамжамиятига дадил кириб бораяпмиз. Демак, бизга катта ишонч билан қарашмоқда. Бу биз учун ниҳоятда муҳим. Мен бу масалага жуда катта эътибор билан қарайман.

Осиё тараққиёт банки маълумотларига кўра, Ўзбекистонда аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад сўнгги 7 йил давомида 3 баробар кўпайган. Тўлов баланси жорий ҳисобининг доимий профицити таъминланмоқда, жами ташқи қарзнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан 10-12 фоиз даражасида бўлишига эришилмоқда, давлат ички қарзи деярли ноль даражада қолмоқда, етарли миқдордаги валюта захиралари сақланиб турибди.

Буларнинг барчаси меҳнаткаш ва меҳмондўст халқимизнинг мамлакатимизнинг эртанги кунига бўлган ишончини тобора мустаҳкамламоқда.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, конференциянинг барча иштирокчиларига яна бир бор ўзимнинг юксак ҳурматим ва самимий миннатдорлигимни билдиришга ижозат бергайсиз.

Ўзбекистон заминига хуш келибсиз!

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад ёр бўлишини тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

# ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТИ ШИАО ДЖАО НУТҚИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийлари!

Ҳурматли вазирлар, конференция қатнашчилари, хонимлар ва жаноблар!

Ўзбекистонга яна бир бор келиш шарафига муяссар бўлганимдан хурсандман ва Ўзбекистон томонига олий даражадаги ушбу халқаро конференцияда иштирок этиш имконини бергани учун миннатдорлик изҳор этаман.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг муҳим ўрни ҳақида тўхталишдан аввал Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 21 йиллиги муносабати билан самимий табрикларимни билдирмоқчиман.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганига энди 21 йил тўлган бўлса-да, улкан ютуқлар ва тараққиётга эришди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларининг Ўзбекистон Мустақиллигининг йигирма бир йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида таъкидланганидек, “Ўзбекистон иқтисодиёти қарийб 3,7 баробар, аҳолининг реал даромадлари жон бошига 7 баробар, одамларнинг умр кўриш даражаси ўртача 7 йилга узайган”.

Ўзбекистон иқтисодиётда юқори ўсиш суръатларига эришиб ва таркибий ислоҳотларни давом эттириб, жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини муваффақиятли енгиб ўтди. Шулар қаторида Ўзбекистоннинг ижтимоий ривожланиш ва мамлакат фаровонлигини муттасил яхшилаш борасида эришган улкан ютуқларини ҳам қайд этиб ўтиш жоиз.

Ўтган ҳафтада тасдиқланган 2012 — 2016 йилларда Ўзбекистон билан ҳамкорлик стратегиясида шундай дейилган: “Ўзбекистон Марказий Осиёда иқтисодиёти жадал ривожланиб бораётган, аҳоли жон бошига даромад сўнгги 7 йилда уч баробар ошган ва 2020 йилда ўртача даражадан юқори даромадли мамлакат бўлишга интилаётган давлатлардандир”.

Президент Ислом Каримов Жаноби Олийларини ва конференция қатнашчиларини сўнгги 21 йилда қўлга киритилган ва ҳақли равишда фахрланса арзийдиган муваффақиятлар билан самимий табриклайман.

Ҳурматли конференция иштирокчилари!

Энди қуйидаги уч масалага қисқача тўхталиб ўтмоқчиман:

**Биринчидан,** Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш ва иш ўринларини барқарор ташкил этишни таъминлаш борасида кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликнинг ролини ошириш.

**Иккинчидан,** Ўзбекистоннинг кичик бизнесни ривожлантиришга кўмаклашадиган муҳим ислоҳот ва дастурлари.

**Учинчидан,** кичик бизнесни ривожлантиришда Осиё тараққиёт банкининг иштироки.

### Иқтисодий ўсиш ва иш ўринларини барқарор ташкил этишни жадаллаштиришда кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликнинг ўрни

Ўзбекистон жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолди. Шуни эътироф этиш керакки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ушбу ўсишни таъминлаш ва Ўзбекистон иқтисодиётини диверсификация қилишда муҳим роль ўйнади.

Кейинги 10 йил давомида Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 30 фоиздан 2011 йил охирида 50 фоиздан ошди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик қишлоқ хўжалиги, қурилиш, савдо хизматлари соҳасини ривожлантиришда муҳим ўрин тутмоқда ва ишлаб чиқариш ҳамда енгил саноат тармоғида ҳам уларнинг аҳамияти ортиб бормоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик Ўзбекистонда иш ўринларини ташкил қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунончи, иш билан таъминланган 4 одамнинг 3 нафари кичик бизнес соҳасида меҳнат қилаётир. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳар йили кичик бизнес ва хусусий корхоналар томонидан тахминан 500 минг янги иш ўрни, уларнинг 50 фоиздан ортиғи қишлоқ жойларда яратилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш Ўзбекистонни гендер жиҳатдан ҳар томонлама тенг ва барқарор юксалтиришда муҳим роль ўйнамоқда. Бу Ўзбекистонни даромади ўртача даражадан юқори давлатга айлантириш имконини беради.

Ўзбекистонда билимли ва ёш меҳнат ресурсларининг мавжудлиги, бой табиий ресурслари, шунингдек, Марказий Осиё чорраҳасида стратегик жиҳатдан қулай жойлашгани мамлакатда кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун катта имкониятлар очади.

Бу имкониятлардан мумкин қадар кенг фойдаланиш, иқтисодий ўсиш барқарорлигини мустаҳкамлаш учун Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада тараққий эттиришга қаратилган ислоҳотлар ҳамда дастурларнинг амалга оширилаётгани ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда.

### Ўзбекистоннинг кичик бизнесни ривожлантиришга кўмаклашадиган муҳим ислоҳот ва дастурлари

Ўзбекистон раҳбарияти бу борада қатор муҳим ислоҳотларни амалга оширди. Кичик корхоналарни ташкил қилиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши учун қулай ҳуқуқий асос яратилгани, бизнесни “ягона ойна” принципи бўйича рўйхатга олиш тартиби йўлга қўйилгани, янги таҳрирдаги Солиқ кодекси қабул қилиниб, бизнесга солиқ солиш ставкалари сезиларли даражада камайтирилгани шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2011 йилни “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилди ва кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги аҳамиятини давлат сиёсати даражасига кўтарди. 2011 йил мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, инвестицияларни жалб қилиш ҳамда янги иш ўринлари ташкил этишга қаратилган чора-тадбирлар дастури қабул қилинди.

Ўзбекистонда қатор дастурлар доирасида маблағлардан фойдаланишни яхшилаш ҳамда ривожланишга кўмаклашадиган муҳим масалаларни ҳал этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбикорликка кредит ажратишни янада кўпайтириш мақсадида молия институтларини манзилли кредит линиялари билан таъминлаш давом эттирилмоқда.

Бироқ молиявий имкониятларнинг чеклангани кичик корхоналар ва тадбиркорларнинг фаолиятида муаммолар туғдириши, табиий. Шу боис кичик бизнес қўшимча кредитлар тақдим қилинишини тақозо этади. Менимча, бу борада давлат томонидан ёрдам кўрсатишни давом эттириш зарур.

Шу муносабат билан яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ишбилармонларга катта эркинлик бериш ва илғор халқаро тажрибага мувофиқ, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга қаратилган иккита муҳим фармонининг ўз вақтида қабул қилинганини таъкидламоқчиман.

Шунингдек, кичик бизнесни ривожлантириш нуқтаи назаридан таълим тизимида ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотларнинг муҳимлигини қайд этиш зарур. Ўзбекистонда амалга оширилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг асосида касб-ҳунар таълими тизимининг ташкил этилгани бошқа мамлакатлар учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин. Осиё тараққиёт банки Ўзбекистоннинг Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш ишига ўз ҳиссасини қўшгани билан фахрланади.

Ушбу муҳим саъй-ҳаракатлар бундан буён ҳам Ўзбекистонда кичик бизнесни ривожлантириш ва хусусий инвестицияларни жалб этишга хизмат қилади, деб ишонаман.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда қишлоқ жойларда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш ҳамда ривожлантиришга қаратилган қатор дастурлар амалга оширилмоқда. Қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш дастури бунга ёрқин мисол бўла олади. Мазкур дастур доирасида Ўзбекистон қишлоқларида уй-жой қурилиши, жумладан, жойлардаги қурилиш соҳасини тизимли ривожлантириш, уй-жой қурилишини маблағ билан таъминлашга бутун мамлакатда алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, дастурда қишлоқларда тураржой массивларини ривожлантириш, тегишли инфратузилмани ташкил этиш ва хизматларни тақдим этиш, ҳар бир массивда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни юксалтириш имкониятларини яратиш кўзда тутилган. Ташкил қилинаётган ҳар бир қишлоқ массивида чакана савдо ва хизматлар кўрсатиш жойлари яратилмоқда, шунингдек, қурилаётган ҳар бир янги уйда новвойхона, ателье ёки кичик таъмирлаш устахоналари каби оилавий бизнес турларини ривожлантириш имкониятлари мавжуд. Бундай дастурлар қишлоқ аҳолисининг ушбу янги имкониятларни рўёбга чиқариши учун кредит маблағларидан фойдаланишини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Дастур ҳар йили тахминан 1000 кичик қишлоқ қурилиш компаниялари, 40 минг нафар малакали қурувчи ва кичик бизнес субъектлари, жумладан, хотин-қизлар учун янги иш ўрни яратишга қаратилган. Ҳар йили қишлоқ жойларда 2000 оилавий корхона ва 10 минг янги иш ўрни ташкил қилиш режалаштирилмоқда.

Мазкур ислоҳотлар ва дастурлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга кўмаклашмоқда. Улар бизнесни юритиш билан боғлиқ харажатларни камайтириш ва жалб қилинаётган инвестициялардан самарали фойдаланиш, мамлакатнинг рақобатбардошлигини ошириш ҳамда янги иш ўринларини ташкил этиш имконини бермоқда.

### Кичик бизнесни ривожлантиришда Осиё тараққиёт банкининг иштироки

Осиё тараққиёт банки 1998 йилдан буён Ўзбекистондаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига, жумладан, молия ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш учун молия секторини ривожлантиришга ёрдам бериб келмоқда. Осиё тараққиёт банки кўрсатаётган ёрдам Ўзбекистоннинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бандлик ва даромадни оширишни таъминлаш орқали ҳар томонлама мувозанатли ривожланиш бўйича саъй-ҳаракатларини рағбатлантиришга хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, Осиё тараққиёт банки томонидан банк иши, пенсиялар, молия назорати ва тартибга солиш, капитал бозорини ривожлантириш соҳаларига техник ёрдам кўрсатилди.

Осиё тараққиёт банки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга умумий қиймати 170 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит линияларини тақдим этди ва молия муассасалари кичик бизнес билан боғлиқ операцияларни бажаришда уларнинг салоҳиятини ошириш учун тегишли техник ёрдам кўрсатди.

Айни пайтда Осиё тараққиёт банки “Кичик ва микромолиялашни ривожлантириш” бўйича иккинчи лойиҳа ҳамда Ўзбекистондаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молия ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида ушбу лойиҳа билан боғлиқ техник кўмаклашиш лойиҳасини амалга оширмоқда. Осиё тараққиёт банкининг кредит маблағлари ҳисобидан молияланадиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари секторида бизнесни юритиш имкониятларини кенгайтириш орқали 30 минг янги иш ўринларини ташкил қилиш кутилмоқда. Ҳаётга татбиқ этилаётган дастур тадбиркор аёлларга ёрдам кўрсатишни ҳам ўз ичига олган.

Шунингдек, Осиё тараққиёт банки қишлоқларни комплекс равишда ривожлантириш ва кейинчалик қишлоқ туманларига ипотека кредитларини бериш учун 500 миллион доллар миқдорида молия ресурсларини тақдим этиш орқали қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантиришга оид давлат дастурини қўллаб-қувватламоқда. Бу қишлоқларда уй-жойларни янада ривожлантириш, маҳаллий қурилиш секторини юксалтириш ва қишлоқларда маблағлардан фойдаланишни кенгайтиришга ёрдам беради.

Осиё тараққиёт банки ҳудудий молиялаш бўйича техник кўмаклашиш лойиҳаси доирасида Ўзбекистон томони билан ҳамкорликда электрон тўловлар тизими ва суғурта бозорини ривожлантириш, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг маблағлардан фойдаланишини янада яхшилаш имкониятларини ўрганмоқда. Тадқиқот Осиё тараққиёт банкига келажакда ҳам кўмаклашиш борасида янги имкониятлар ва йўналишларни аниқлаб беради.

Сўзим охирида шуни таъкидлашни истардимки, Президент Ислом Каримов Жаноби Олийларининг бу борада амалга оширилаётган ислоҳотларни мунтазам қўллаб-қувватлаётгани Ўзбекистонда хусусий секторни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Осиё тараққиёт банки ва Ўзбекистон томони яқинда ҳамкорликнинг мамлакатга оид янги стратегиясини тайёрлади. Ушбу стратегия Ўзбекистоннинг янада барқарор ва мувозанатли иқтисодий тараққий топишини қўллаб-қувватлашга қаратилган. Биз иқтисодиётни жадал диверсификация қилиш, хусусий секторни ривожлантириш, шаҳар ва қишлоқларда янги иш ўринларини ташкил қилишда бундан буён ҳам ёрдам бераверамиз.

Осиё тараққиёт банки мазкур стратегия доирасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг, жумладан, тадбиркор аёлларнинг кредитлардан фойдаланишини қўллаб-қувватлайди. Молия секторини янада ривожлантириш ва молия соҳасидаги воситачиликни такомиллаштириш ажратилаётган маблағлардан фойдаланишни кенгайтиришга ёрдам беради. Бу эса, ўз навбатида, тадбиркорларга хусусий бизнесини бошлаш, ривожлантириш ва экспортни амалга оширишда қўшимча имкониятлар яратади.

Биз яқин ҳамкорлигимизнинг янада ривожланишидан манфаатдормиз ва бундан кейин ҳам Ўзбекистонга ёрдам беришга тайёрмиз. Ўзбекистон томонининг ушбу муҳим конференцияни ташкил этиш борасидаги саъй-ҳаракатларини юксак баҳолаймиз.

Эътиборингиз учун ташаккур!

# ЖАҲОН БАНКИ ВА ХАЛҚАРО МОЛИЯ КОРПОРАЦИЯСИ ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТИ ДЖАНАМИТРА ДЕВАН НУТҚИ

Президент Ислом Каримов Жаноби Олийлари!

Ҳурматли меҳмонлар, хонимлар ва жаноблар!

Мазкур нуфузли конференцияда иштирок этиш ва муҳокамалар жараёнида Жаҳон банки фикр-мулоҳазаларини баён этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Бугун мен ушбу анжуманда ҳукуматлар ва академик доиралар вакиллари бўлган барча маърузачиларнинг фикрларини тинглашдан бахтиёрман.

Экспертлар томонидан билдириладиган кўплаб фикрлар ва хулосалар Ўзбекистон иқтисодиётини мустаҳкамлаш борасидаги янада самарали йўлларни ишлаб чиқиш ҳамда мамлакатнинг узоқ муддатли равнақига хизмат қилади.

Ўзбекистондаги барқарор иқтисодий ривожланиш ва унинг ўтган 21 йил давомида ижтимоий-иқтисодий тараққиётда эришган муваффақиятлари таҳсинга сазовордир. Айниқса, глобал молиявий-иқтисодий инқироз даврида мамлакатда юқори даражадаги иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланаётганини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Жаҳон банки гуруҳи, яъни Банк ва унинг хусусий сектор масалалари бўлими, Халқаро молия корпорацияси, шунингдек, бошқа тегишли институтлар Ўзбекистон билан мамлакатни иқтисодий ривожлантириш борасида ҳамкорлик қилишдан мамнундир.

Давлат ва хусусий сектор билан ҳамкорликдаги иш жараёнида биз нафақат кредитлашга оид дастурларни, балки техник экспертиза ва илғор халқаро тажрибани ҳам таклиф этишга ҳаракат қиламиз.

Уч асосий жиҳатга тўхталиб ўтишни истардим.

**Биринчидан,** кичик, ўрта ва микро корхоналар ҳар бир мамлакат иқтисодий экотизимининг муҳим соҳаси ҳисобланади.

Уларнинг инновацион имкониятлари ва иқтисодий ўсиш қобилияти рақобатбардошликни шакллантиришнинг муҳим шартидир. Бунда бошқа мамлакатлар маҳсулотлари билан рақобатлашишга қодир ва халқаро бозорда муносиб ўрин эгаллай оладиган юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш назарда тутилади.

Бу халқаро миқёсдаги рақобат шароитида ҳар қандай мамлакат иқтисодиёти тараққиётининг муҳим омилидир.

**Иккинчидан,** рақобатга асосланган саноат экотизимлари ва хусусий сектор ривожи атрофида янги парадигма шаклланди. Бу хусусий ва давлат сектори ўртасидаги рақобатбардошликка йўналтирилган янада яқин ҳамкорликни кўзда тутади.

Биз бундай янги ёндашувни рағбатлантиришимиз, айни пайтда эҳтиёткорликни ҳам унутмаслигимиз керак. Бундай ёндашув тадбиркорлар ва кичик корхоналарнинг янги ғояларни ҳаётга татбиқ этиш ва янги имкониятлар яратишда омилкорлик билан иш юритишига хизмат қилиши керак.

**Учинчидан,** рақобатбардошликни оширишга кўмак бериш масаласидаги янгича ёндашув биздан, яъни сиёсий қарорлар қабул қилувчи шахслардан, мазкур йўналишдаги сиёсатни юритишда кенг кўламли чора-тадбирларга, яъни фақат молиявий капитал ва саноат ресурслари билан чекланиб қолмасдан, айни вақтда инсон ресурслари ва корпоратив бошқарув масалаларига эътибор қаратишни талаб қилади.

Агар бу соҳада ижобий натижаларга эришмоқчи бўлсак, бизнинг хусусий сектор ривожига доир ёндашувимиз яхлитлик касб этиши, яъни рақобатбардошликни оширишга йўналтирилган бўлиши, айни пайтда мавжуд салоҳият ва имкониятлардан фойдаланишга асосланиши лозим.

Шу ўринда юқорида келтирилган уч ғоянинг ҳар бирига батафсилроқ тўхталиб ўтишга ижозат бергайсиз.

**Биринчидан,** кичик, ўрта ва микро корхоналарнинг иқтисодиётда тутган муҳим ўрнини кўриб чиқайлик.

Жаҳондаги ривожланаётган мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг аҳоли бандлигидаги улуши 45 фоизни, ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси 33 фоизни ташкил этади.

Ўзбекистонда, сўнгги расмий статистик маълумотларга қараганда, иш билан банд аҳолининг тўртдан уч қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида меҳнат қилмоқда, мазкур сектор мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ярмидан кўпроғини ишлаб чиқармоқда.

2000 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари ялпи ички маҳсулотнинг учдан бир қисмини ишлаб чиқарган бўлса, 2010 йилга келиб ялпи ички маҳсулотнинг ярмидан кўпи ушбу соҳа ҳиссасига тўғри келди. Бунда гап 8,6 миллион киши меҳнат қилаётган 460 минг корхона хусусида кетмоқда. Кейинги ўн йил ичида бу соҳада банд бўлганлар сони эса икки баробар ошган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иқтисодий ўсишнинг ғоят муҳим омили бўлиб, миллий иқтисодиётни қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи йирик корхоналар билан боғловчи иқтисодий бўғин ҳисобланади.

Кичик ва ўрта бизнес корхоналари ўзини инновацияларни ҳаётга татбиқ этиш ва бандликни таъминлашда муҳим ҳаракатлантирувчи куч сифатида намоён этмоқда.

Айни пайтда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг иқтисодиётдаги муҳим ўрнига ҳамда кичик ва ўрта бизнес корхоналарини давлатлар томонидан кредитлашни рағбатлантириш борасида амалга оширилаётган муҳим чора-тадбирларга қарамай, бу борада ҳали қатор муаммолар мавжуд.

Масалан, кичик ва ўрта бизнес корхоналари кўпинча уларнинг ривожланиши учун зарур бўлган молиявий маблағларни ололмайди ва қўллаб-қувватланмайди.

Жаҳон миқёсида иқтисодиёти ўтиш даврини бошдан кечираётган мамлакатларда расман ташкил этилган 45 фоиздан 55 фоизгача кичик ва ўрта бизнес корхоналари институционал заёмлар ёки овердрафтлардан фойдаланиш имкониятига эга эмас.

Молиялаштиришдаги бундай тафовут миллий иқтисодиётларга жиддий зарар етказиши мумкин. Етакчи иқтисодчилар кредитлашни чеклаш ва капитални нотўғри тақсимлаш натижасида келиб чиқадиган бундай зарарга тўғри баҳо бермаслик катта салбий оқибатларга олиб келиши ҳақида огоҳлантирмоқда.

Шу боис кичик, ўрта ва микро корхоналарни қўллаб-қувватлашнинг самарали йўлларидан фойдаланиш, шубҳасиз, иқтисодий ўсишни таъминлашда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Бироқ бунда фирмаларнинг кредитни қайтариш имкониятларини ҳар томонлама баҳолаш ва уларнинг лойиҳалари иқтисодий жиҳатдан нақадар ҳаётий эканлигига асосланган ҳолда кредитлашнинг барқарор ўсишини кафолатлаш муҳимдир.

Нафақат йирик, бозорда ўз ўрнига эга фирмалар, балки янги, изчил ривожланаётган кичик, ўрта ва микро корхоналарнинг кредитга бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида молиявий воситаларни ривожлантириш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

**Иккинчидан,** мен рақобат асосидаги саноат экотизимлари ва хусусий секторни ривожлантириш бўйича янги парадигмани — хусусий сектор ташаббуслари ва давлат секторини қўллаб-қувватлаш ўртасидаги тегишли мувозанатни аниқлашга йўналтирилган ёндашувни — кўриб чиқишни таклиф қиламан.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг яқинда қабул қилинган фармонларига мувофиқ, мамлакатда экспорт кўрсаткичлари ва иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш ҳамда уни диверсификация қилишни таъминлашнинг зарур шарти сифатида тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Кичик ва микрокорхоналар бу мақсадларга эришишда муҳим роль ўйнайди.

Кўп йиллар мобайнида давлат сектори ва хусусий тармоқда ишлаш жараёнида аниқ соҳаларга мақсадли инвестициялар киритишга йўналтирилган саноат тармоғидаги стратегик лойиҳалар миллионлаб одамларни қашшоқликдан олиб чиқиши ва улар учун янги иш ўринлари ташкил этиши мумкинлигига гувоҳ бўлганман.

Бундай стратегия жаҳондаги кўплаб мамлакатларда яхши самара берди.

Ҳар бир мамлакат стратегияни ўзининг иқтисодий шароитига мослаштирган ҳолда турли моделлардан фойдаланди. Бироқ тараққиёт ва фаровонликка эришган барча мамлакатлар бундай юксалишга саноат экотизимларини ташкил қилиш орқали эришди.

Мисол учун, Сингапурнинг табиий ресурслари чекланган бўлса-да, у кемасозлик, нефтни қайта ишлаш ва молия соҳаларига таянувчи равнақ топган саноат экотизимини яратишга муваффақ бўлди.

Фуқаролар уруши оқибатида вайронага айланган Жанубий Корея ахборот технологиялари ва замонавий электроника каби тармоқларга асосий эътиборни қаратгани туфайли жаҳондаги энг ривожланган мамлакатлардан бирига айланди.

Малайзия оғир саноат, жумладан, электр ускуналари ишлаб чиқариш соҳасига инвестицияларни йўналтириш ҳисобидан тараққиётга эришди.

Сўнгги йилларда Хитойда тараққиётнинг ишлаб чиқаришга асосланган янги моделлари илгари сурилмоқда. Барқарор иқтисодий ўсиш ва янги иш жойлари яратиш давлат томонидан фаол қўллаб-қувватланмоқда.

Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда давлат ва хусусий сектор ўртасида кенг ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Давлат секторининг иштироки анъанавий эркин бозор муҳити таъсири остида бўлган Америка Қўшма Штатларида ҳам хусусий корхоналарнинг давлат томонидан мақсадли қўллаб-қувватланиши инновациялар ва иқтисодий ўсишни таъминлашда ҳал қилувчи роль ўйнади.

Силикон водийсидаги саноат корхоналари уларнинг маҳсулотларига давлат секторида катта эҳтиёж мавжудлиги сабабли фаол қўллаб-қувватланди. Ҳатто, глобал иқтисодиёт трансформациясига улкан ҳисса қўшган интернет ҳам ҳарбий илмий тадқиқот дастурларининг фаол молиялаштирилиши натижасида пайдо бўлди.

Ҳар бир мамлакат ўз тараққиёт моделини ўзи танлайди.

Шундай бўлса-да, ривожланган мамлакатлар иқтисодиётидаги муваффақиятлар тарихига назар ташласак, уларни бирлаштириб турувчи умумий жиҳатлар ҳам мавжудлигига гувоҳ бўламиз. Бу аниқ соҳаларга мақсадли инвестициялар киритишга манзилли ёндашув ва саноат тармоқлари, инновациялар муаллифлари ва инвестицияларни бирлаштирган экотизимларни яратиш масаласидир.

Бугун глобал иқтисодиётда кузатилаётган пасайиш жараёнларига дуч келаётган мамлакатлар ҳукуматлари хусусий сектор билан бевосита ҳамкорлик қилишга ўтаётганидан ажабланмаслик керак.

Сўнгги икки йил давомида Жаҳон банкида бизнинг рақобатбардошликка оид тасаввурларимиз танқидий нуқтаи назардан ўрганилди ва тадрижий равишда ўзгариб борди.

Бизнинг ёндашувимиз иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришга асосланган барқарор иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда ҳар томонлама пухта ўйланган қарорлар қабул қилишда мижоз мамлакатларга ёрдам беришдан иборатдир.

Бозор талабларига ҳамиша уйғунлик шарт бўлган рақобатбардошлик ушбу янги парадигманинг муҳим жиҳати ҳисобланади.

Сиёсий қарорлар қабул қилувчи шахслар ва саноат тармоқлари раҳбарлари «юқоридан-пастга» тамойилига асосланган режалаштиришнинг қатъий ёндашувдаги хатолар такрорланишининг олдини олишлари лозим.

Аксинча, тармоқнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминловчи шароитни бозор талаблари ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириб бориш зарур.

Давлат ва хусусий сектор ўртасидаги яқин ҳамкорлик яхши самара бериши мумкин. Бироқ масъул раҳбарлар бундай ёндашувларни амалиётга татбиқ этишда эҳтиёткорлик билан иш кўришлари зарур. Бу борада ягона универсал сиёсий чора-тадбирлар мажмуи мавжуд эмас.

Давлат ва бозор тизимлари ўртасидаги мувозанатни ҳар қайси мамлакат ўзи белгилайди.

Бу янги ёндашув ишлаб чиқилганда ҳам, хусусий ва давлат сектори манфаатлари ўртасида кучайиб бораётган муносабатлар бозор талаблари белгилаб берадиган мезонларга асосланиши лозим.

Мамлакатни ривожлантириш борасида давлат ва хусусий сектор ўртасидаги кучли ва мустаҳкам ҳамкорлик иқтисодий ўсишни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Бунда корхоналарнинг бозор талабларига мослашувчанлиги муҳим роль ўйнайди ва улардан реал вақт режимида бозор талабига мослашишни талаб қилади.

Рақобатбардош тармоқлар, айниқса, юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантиришда зарур кўникмаларга эга ишчи кучи рақобатбардошликнинг яна бир муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг пухта билим ва касб кўникмаларига эга ёшларининг ўзи ҳам муҳим ресурс ҳисобланади. Таълим соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар ёшларнинг кўникмаларини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Бозор талабларига мос кадрлар тайёрлаш — таълим соҳасининг энг муҳим вазифасидир.

**Учинчидан**, сиёсий қарорлар қабул қилувчи шахслар сифатида ушбу янги парадигмадан келиб чиқадиган талабларни баҳолашга ҳаракат қилиб кўрайлик.

Хусусий секторни муваффақиятли ривожлантириш қашшоқлик даражасини изчил пасайтиришда ҳал қилувчи аҳамият касб этиши мумкин. Фақат бозор талабларига тез мослаша оладиган хусусий секторда узоқ муддатли истиқболда ҳам барқарор иш ўринлари ташкил этилиши ва даромад манбаи яратилиши мумкин.

Хусусий секторни ривожлантириш учун кенг кўламли сиёсий чора-тадбирларнинг ўзи кифоя қилмайди. Янги парадигманинг талаби шундайки, хусусий секторни ривожлантиришга дастурий ёндашув доирасида макро даражадаги чора-тадбирларни микро даражадаги янги ташаббуслар билан уйғунлаштириш лозим.

Кўплаб мамлакатлар иқтисодиёти билан танишиш асносида тўпланган тажрибадан келиб чиқиб шунга ишонч ҳосил қилдимки, иқтисодий экотизимнинг ҳар бир жиҳати изчил ўрганилиши ва зарурат туғилганида янгидан такомиллаштирилиши даркор.

Барқарор иқтисодий ўсишга хизмат қиладиган баъзи омиллар тузилмавий хусусиятга эга бўлса, баъзилари инсон омили билан боғлиқдир.

Иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар томонидан эътироф этилганидек, тузилмавий омиллар нуқтаи назаридан тартибга солишга асосланган муҳит хусусий корхоналарга ҳаддан зиёд оғирлик юкламаган ҳолда жамиятда умумий фаровонликни ҳимоя қилиши, ўзаро мувозанатни таъминлаши шарт.

Таълим соҳаси ва касб кўникмаларини ривожлантириш билан бирга модернизация қилинган инфратузилмага инвестициялар жалб қилиш узоқ муддатли истиқболда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда беқиёс аҳамият касб этувчи “жамият фаровонлиги”ни яратади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари молиявий маблағлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши учун самарали банк тизими ва барқарор капитал бозори мавжуд бўлиши даркор. Технологик инновацияларни ривожлантириш учун эса патентлашга оид амалий қонунчилик асоси зарур.

Экспортга чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун миллий сифат тизими яхши йўлга қўйилган бўлиши даркор.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, валюта ва пул сиёсати ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, хорижий инвестицияларни жалб этишга хизмат қилади. Бизнесни юритишнинг яхлит қоидаларини таъминлашда давлатнинг оқилона иштироки ишбилармонлик муҳитига бўлган ишончни оширади.

Ишбилармонлик муҳитига оид омиллар нуқтаи назаридан қараганда, бу борада муваффақият қозонган мамлакатларнинг эътироф этишича, ошкоралик жамоатчилик ва инвесторлар ишончини оширади, коррупция эса уни йўққа чиқаради.

Инклюзив сиёсатга оид чора-тадбирлар ва тадбиркорларни гендер нуқтаи назаридан холисона қўллаб-қувватлаш ходимларнинг ҳуқуқларини кенгайтиради ва мамлакатда инсон капитали самарадорлигини кескин ошириш имконини беради.

Ўзбекистонда бу борада кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жаҳон банкининг дунё мамлакатлари бўйича рақобатбардошликка асосланган “Бизнесни юритиш” деб номланган йиллик маърузасида мавжуд муаммоларни таҳлилий баҳолаш ўз ифодасини топган. Ушбу маъруза Жаҳон банкининг мен масъул бўлган хусусий сектор бўлими томонидан чоп этилади. Биз Ўзбекистон томони билан ушбу маълумотларни таҳлил қилиш масаласи юзасидан амалий ва доимий мулоқот олиб бормоқдамиз.

Ўзбекистон томонидан кўплаб соҳаларда амалга оширилаётган муҳим ишларга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Масалан, Ўзбекистон Президентининг яқинда қабул қилинган фармонларида бизнесда халқаро стандартларга эришиш учун ишбилармонлик муҳитини ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари белгилаб берилган.

Келажакда бу борадаги изчил саъй-ҳаракатлар ўзининг юксак самараларини беришига ишонамиз. Уларнинг аксарияти — лизинг, бизнесни назорат қилиш, корхоналарни рўйхатга олиш, рухсатнома ва лицензия бериш, солиқ маъмурчилиги, ҳисобдорлик, корхонани ихтиёрий тугатиш жараёни каби йўналишлар Халқаро молия корпорациясининг маслаҳат хизматлари бўлимлари томонидан қўллаб-қувватланди.

Мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар Ўзбекистон томонининг иқтисодий диверсификацияни барқарор тараққиёт асоси сифатида ҳаётга татбиқ этишга интилаётганининг амалий ифодасидир. Бу Ўзбекистонинг энг ривожланган мамлакатлар каби даромад даражаси ўртача бўлган давлат мақомига эришиш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш учун асос бўла олади.

Бундан ташқари, кредит бюроси операцияларини кенгайтириш ва гаровни таъминлаш реестри салоҳиятини кучайтириш каби бошқа йўналишларда ҳам самарали ишлар олиб борилмоқда. Жаҳон банки Ўзбекистондаги фаолияти доирасида кўплаб соҳаларда бизнес муҳитни такомиллаштириш, жумладан, қурилишга ер участкаси ажратишга рухсат бериш, уларни рўйхатга олиш ва кредит ажратиш мақсадида техник кўмак бермоқда.

Шунингдек, Жаҳон банки молия секторида банк ва суғурта назорати ҳамда тартибга солишни мустаҳкамлаш бўйича ҳам техник ёрдам кўрсатди. Банк, жумладан, таъминотга доир битимлар соҳасида фойдаланишга оид умумий концепцияни кучайтириш бўйича ўз тавсияларини берди. Айни пайтда қатор муҳим дастурлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси имкониятларини кенгайтириш, кичик ва хусусий корхоналар мавкеини ошириш учун барча шарт-шароитлар мавжуд, деб айтиш учун барча асослар бор.

Жаҳон банки Ўзбекистон билан амалий ҳамкорлик муносабатларини қўллаб-қувватлаш, мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда умуман иқтисодиётнинг янада ривожланишини таъминлашга хизмат қиладиган ишбилармонлик муҳитини шакллантиришда ёрдам беришга тайёр.

Ушбу нуфузли халқаро анжуманда ва соҳага тегишли масалалар муҳокамасида иштирок этиш шарафига муяссар бўлганлигимдан миннатдорман. Ялпи мажлисда кенг кўламли ғоялар билан танишиш ва уларни муҳокама қилишда қатнашиш менга улкан мамнуният бахш этади.

Эътиборингиз учун ташаккур.

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Картинанинг қиймати

***Август ойида АҚШнинг Индиана штатидаги музейлардан бирининг захирасидан Пабло Пикассонинг картинаси топилган эди.***

"Guernsey`s" кимошди уйи мутахассислари ушбу ноёб санъат асари қиймати 30-40 миллион долларга тенглигини билдиришган.

"Қизил шляпадаги аёл" дея номланган картинани музейга дизайнер Раймонд Лоуи совға қилган. Унда муаллиф номи Gemmaux дея кўрсатилган бўлса-да, у аслида Пикассо томонидан чизилган. Чунки испан рассомининг бу йўналишда 50 га яқин асари мавжуд ва уларда Gemmaux номи қайд этилган. "Қизил шляпадаги аёл" шулардан энг машҳури ҳисобланади.

Музей мутасаддилари кимошди савдосига қадар расм экспонат сифатида намойиш қилинмаслигини билдирганлар.

### Радиация хавфи йўқ

***Бельгиядаги иккита Атом электр станцияси реакторида ёриқ пайдо бўлган.***



Бу ҳақда "L`Echo" нашри хабар тарқатди. Мамлакат ядро назорати бўйича федерал агентлиги (AFCN) маълумотларига қараганда, Тианж АЭСи реактори корпусида мингга яқин майда ёриқлар аниқланган. Шу боис унинг фаолияти вақтинча тўхтатилди. Олдинроқ худди шундай муаммо Дуль АЭСида кузатилганди.

Мазкур АЭСлар оператори "Electrabel" компанияси вакилининг айтишича, ҳудудда радиация хавфи йўқ.

Бельгияда еттита реактор мавжуд бўлиб, улар мамлакат учун зарур бўлган электр энергиянинг 60 фоизини етказиб беради.

### Уддабурон киракаш

***Германиянинг Дюссельдорф шаҳрида ғалати ҳолат кузатилди.***

Гап шундаки, бу ердаги оилалардан бири дам олишга кетаётиб, машинани аэропорт ҳудудидаги автомобиллар тўхташ жойида қолдиради. Улар маълум вақтдан сўнг қайтгач, не кўз билан кўришсинки, ўзларига тегишли автоуловдан бошқа бир шахс фойдаланаётганди. Таажжублиси, ҳатто, ҳайдовчилик гувоҳномасига ҳам эга бўлмаган бу одам бировнинг машинаси билан киракашлик қилиб юрган экан. У бу вақт давомида 400 километр масофа босиб ўтишга ҳам улгурган.

Кўрилган тезкор чоралар туфайли автомобиль ҳақиқий эгасига қайтарилди. Уддабурон киракаш эса, албатта, қонун олдида жавоб беради.

### Зерикарли ўйин кўрсатгани учун

***Сербиянинг "Войводина" футбол клуби ички чемпионатнинг дастлабки тўрт турида бир дуранг ва уч ғалаба қайд этди.***

Шундай бўлса-да, клуб мутасаддилари бош мураббий Златомир Загорчич билан тузилган шартномани бекор қилди. Жамоа президенти Миодраг Пантелич ушбу ҳолатга изоҳ берар экан, "Войводина" ўта зерикарли ўйин намойиш этганини ҳамда ўзидан кучсиз жамоаларни зўрға мағлубиятга учратганини билдириб, бунга бош мураббий айбдор, дея таъкидлаган.

Қизиқ жиҳати, ҳозир "Войводина" мамлакат чемпионатида биринчи ўринда бормоқда.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

---

Молия муассасаларида

# Фаровонликка йўналтирилаётган сармоялар

*Тажрибадан маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодий фаолиятнинг энг самарали мулк шаклларидан бири бўлиб, тез ўзгариб турадиган бозор талабларига мослашувчан, замонавий ишлаб чиқариш тузилмаларини шакллантира олиш каби афзалликларга эга. Шу боис мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан хусусий секторни ривожлантириш, унинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётир. Натижада тадбиркорлик субъектлари сони йил сайин кўпайиб, ялпи ички маҳсулотдаги улуши муттасил ортмоқда.*

**Б**угунги кунда иқтисодиётимизнинг таянч соҳасига айланган кичик бизнесни янада тараққий эттириш, айниқса, банк-молия тизими зиммасига юксак масъулият ва вазифаларни юклайди. Шундан келиб чиқиб, молия бозорида етакчилик мавқеини мустаҳкамлаб келаётган "Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки жамоаси томонидан хизмат кўрсатиш тизимини кенгайтириш орқали ишлаб чиқариш ва сервис хизматлари кўрсатиш соҳасида хусусий секторнинг салмоғини ошириш мақсадида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

**Ҳозирги кунда ушбу банкнинг республикамиз бўйича 26 та филиали ва 112 та минибанки орқали 21 мингдан ортиқ турли мулкчилик шаклидаги кичик бизнес субъектлари, хусусий тадбиркорлар, деҳқон ва фермер хўжаликларига самарали хизмат кўрсатилаяпти. Жорий йилнинг ўтган 8 ойи мобайнида ажратилган кредитларнинг умумий ҳажми**

**682,4**

**млрд. сўмни ташкил этгани, шундан 275,7 млрд. сўми инвестициявий кредитлар эканлиги бунинг яққол тасдиғидир.**

Эътиборлиси, иқтисодиёт тармоқларига йўналтирилаётган сармояларнинг салмоқли қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Аниқроғи, мазкур соҳага ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш, юқори технологияларни талаб этадиган замонавий, инновацион ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этиш ва бошқа мақсадлар учун берилган кредитларнинг умумий ҳажми 382,8 млрд. сўмни ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 130,4 фоиз кўпдир.

Шу билан бирга, кичик корхоналар, микрофирмалар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорларга ажратилган микрокредитлар ҳажми 130 фоизга ўсиб, 22,8 млрд. сўмга етказилди. Шунга мос равишда ёш оилаларга бизнес фаолиятини йўлга қўйиш, уни ривожлантиришга йўналтирилган микрокредитлар ҳажми 135,1 фоизга ўсди.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган қайта ишловчи ихчам корхоналарни барпо этиш, ички истеъмол бозорини юқори сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришда имкониятлар эшигини кенгроқ очиб берди. Мазкур ҳужжат ижроси юзасидан ажратилган кредитлар ҳажми 86,4 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 130,4 фоизга ўсишга эришилди. Пировардида кўплаб янги иш жойлари яратилиб, аҳолининг, айниқса, қишлоқ одамларининг бандлиги таъминланди.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари томонидан 2009 йил 28 январда имзоланган "Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига биноан 74,6 млрд. сўм миқдорида кредитлар берилди. Бу сармоялар рақобатбардош ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлашни ўзлаштириш каби истиқболли лойиҳаларга йўналтирилгани билан диққатга сазовордир.

Маълумки, қишлоқ аҳолисининг бандлигини ошириш, даромадини кўпайтиришда чорвачилик муҳим ўрин тутади. Шунинг учун юртимизда мазкур тармоқни ривожлантириш, уни молиявий қўллаб-қувватлаш доимий диққат-эътиборимизда. Хусусан, жорий йилнинг саккиз ойида шу мақсадда банкимиз томонидан ўтган йилдагига нисбатан 121,8 фоиз кўп маблағ йўналтирилди. Табиийки, Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада дастуриламал бўлмоқда.

Иқтисодиётимизда тобора мустаҳкам ўрин эгаллаётган касаначилик, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни молиявий қўллаб-қувватлаш ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Ушбу мақсадларни рўёбга чиқариш учун 2,7 млрд. сўм, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 62,3 млрд. сўм, тадбиркор аёлларнинг лойиҳаларини молиялаштириш учун 29 млрд. сўм ажратилди. Шунингдек, банкнинг Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси ҳисобидан кичик бизнес субъектларига берилган кредитлар салмоғи ўтган йилдагига нисбатан 168,2 фоизга ошди.

Ушбу кредитлар нафақат Тошкент шаҳри ёки вилоят марказларидаги, балки мамлакатимизнинг меҳнат ресурслари кўп бўлган чекка ҳудудларидаги тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини ҳам молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилаётгани билан эътиборга молик. Бунда асосий эътибор маҳаллий хом ашёдан импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш лойиҳаларига устувор аҳамият берилаётир.

— Бизнинг пластмасса маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган лойиҳамиз "Асака" банкининг Марғилон филиали томонидан қисқа муддатда имтиёзли фоизларда молиялаштирилди, — дейди Тошлоқ туманидаги "ELEMENT CRISTALL" масъулияти чекланган жамиятининг раҳбари Жасур Собиров. — Натижада корхонамизда 12 турдаги пластмасса маҳсулоти ишлаб чиқариш ўзлаштирилиб, 2011 йилда қиймати 100 минг АҚШ долларилик маҳсулотни экспорт қилишга эришдик. Қўшимча 17 та иш ўрни яратилиб, жами ишчилар сони қарийб 40 нафарни ташкил этди.

Банкнинг Сурхондарё вилояти филиали мижози "Пўлат Алп" хусусий корхонаси халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган бўлиб, бу ерда тайёрланаётган турли хилдаги гилам маҳсулотларига ҳам талаб тобора ошиб бораяпти.

— Бизнес фаолиятимизни йўлга қўйиб, харидорларга манзур гилам маҳсулотларини ишлаб чиқаришимизда "Асака" банкининг молиявий мадади катта бўлди, — дейди мазкур корхона раҳбари Пўлат Алпамишев. — Корхонамизни ривожлантириш ва хом ашё сотиб олиш учун шу банкнинг Сурхондарё вилояти филиалига мурожаат қилган эдик. Банк ходимлари аризамизни қисқа муддатда кўриб чиқиб, имтиёзли шартларда кредит маблағлари ажратиб беришди. Натижада жорий йилнинг 8 ойи мобайнида 200 млн. сўмликдан ортиқ тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариб, аҳолига етказиб бердик. Энг муҳими, лойиҳа доирасида 14 та иш ўрни яратилиб, шундан 10 тасига касб-ҳунар коллежлари битирувчилари жалб этилди.

— Бизнинг корхонамизда, асосан, мебель маҳсулотлари ишлаб чиқарилади, — дейди Самарқанд туманидаги "Гулобод-Мебель" МЧЖ раҳбари Фарҳод Раҳматов. — "Асака" банкининг имтиёзли кредитларидан унумли фойдаланиб, ички бозордаги мавқеимизни тобора мустаҳкамлаб бораяпмиз. Яқинда банкнинг молиявий қўллаб-қувватлаши билан яна бир лойиҳани амалга ошириб, Гулобод касб-ҳунар коллежининг битирувчиларидан 18 нафарини доимий ишга қабул қилдик.

Қорақалпоғистон Республикасида ҳам озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришда банкнинг кўмаги беқиёс. Чунки Оролбўйидаги тадбиркорлик субъектларига ажратилаётган имтиёзли кредитлар ҳажми йил сайин кўпайиб бормоқда. Бунинг самараси ўлароқ, кўплаб замонавий корхоналар вужудга келиб, аҳолига турли хилдаги рақобатбардош маҳсулотлар етказиб берилаяпти.

— Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини барқарор таъминлаш, ички истеъмол бозорини гўшт ва сут маҳсулотлари билан тўлдириш мақсадида наслдор қорамоллар сотиб олиш учун кредит ажратишни сўраб "Асака" банкининг Қорақалпоқ филиалига мурожаат қилдик, — дейди Беруний туманидаги "Usta Bazarboy" хусусий корхонаси раҳбари Азат Машарипов. — Банк томонидан бизнинг аризамиз ижобий ҳал этилиб, имтиёзли фоизларда узоқ муддатли кредит маблағлари ажратилди. Шунинг шарофати туфайли 3 йил давомида аҳолига 324 млн. сўмликдан ортиқ сут ва 1,5 млрд. сўмликдан ортиқ гўшт маҳсулотлари етказиб берилиши, 12 та янги иш ўрни ташкил этилиши кўзда тутилмоқда.

**Х**улоса ўрнида айтганда, "Асака" банки томонидан жорий йилнинг ўтган 8 ойи мобайнида барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар боис 20 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилди. Йил охирига қадар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун йўналтириладиган кредитлар миқдори 500 миллиард сўмга етказилиши режалаштирилган. Демакки, мазкур молия муассасасининг сармоялари мамлакат тараққиёти, халқ фаровонлиги, юрт ободлигига ҳисса бўлиб қўшилади.

**Банк матбуот хизмати.**

---

*Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига!*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БОШҚАРМАСИ**

**Миллий реабилитация ва протезлаш марказига тортилган ер усти иссиқлик қувурларини ер остига ўтказиб бериш учун танлов эълон қилади.**

*Танловда Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган, шу соҳада етарли тажриба, юқори малакали мутахассислар, шунингдек, сифатли асбоб-ускуналарга эга бўлган ташкилот ва корхоналар қатнашишлари мумкин.*

*Танлов бўйича таклифлар эълон матбуотда чоп этилган санадан бошлаб 15 кун мобайнида қабул қилинади.*

**Смета ҳужжатлари билан танишиш ва қўшимча маълумотлар олиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Тошкент вилояти бошқармасига мурожаат қилиш мумкин.**

**Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Дархонтепа кўчаси, 7-«А» уй.**
**Тел.: (8-371) 120-86-25, (+99890) 993-07-98.**

1560А/1087

Сертификатланган



SUVMASH
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

ISO 9001:2008
Certifed Management System

НАСОСЛАР
тайёрлайди ва таъмирлайди










"ЭЦВ" РУСУМЛИ ҚУДУҚҚА МЎЛЖАЛЛАНГАН
"Д" РУСУМЛИ ЁТИҚ
"К" РУСУМЛИ ТАГЛИККА ЎРНАТИЛГАН
"НК" НЕФТЬ НАСОСЛАРИ
НАСОС СТАНЦИЯЛАРИ
шунингдек, уларнинг эҳтиёт қисмлари.










Ўзбекистон Республикаси, 100182, Тошкент ш., Ҳусайн Бойқаро кўчаси, 13.
Тел.: (+99871) 295-13-00, 295-06-35, 295-06-37, 295-19-08. Факс: (+99871) 295-51-08.
E-mail: office@suvmash.uz; suvmash@mail.ru sales@suvmash.uz www.suvmash.uz

622R/460

Реклама ўрнида

*Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига!*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БОШҚАРМАСИ**

**Тошкент вилояти, Бекобод туманидаги «Ойбек» чегара божхона постини жорий таъмирлаш мақсадида танлов эълон қилади.**

*Танловда иш фаолияти 3 йилдан кам бўлмаган, Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган муайян малака ва юқори сифатли асбоб-ускуналарга эга бўлган ташкилот ҳамда корхоналар қатнашишлари мумкин.*

**Смета ҳужжатлари билан танишиш ва қўшимча маълумотлар олиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Тошкент вилояти бошқармасига мурожаат қилиш мумкин.**

*Танлов бўйича таклифлар эълон матбуотда чоп этилган санадан бошлаб 15 кун мобайнида қабул қилинади.*

**Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Дархонтепа кўчаси, 7-«А» уй.**
**Тел.: (8-371) 120-86-25, (+99890) 993-07-98.**

1559А/1087

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БОШҚАРМАСИ**

**томонидан қишлоқ врачлик пунктлари учун зарурий дори воситалари, тиббий ашёлар ва реактивларни марказлашган асосда сотиб олишга қайта тендер (танлов) савдолари эълон қилади.**

Тендерда талабгорларга қўйиладиган шартларни бажарган, харид қилинадиган маҳсулотнинг тегишли ҳажмларини етказиб бериш тажрибасига эга бўлган фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ва улгуржи ташкилотлар қатнашишлари мумкин. Мамлакатимиз корхоналари — ишлаб чиқарувчиларига Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан, нарх-наво преференциялари берилади. Тендерда иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар чоп этилган санадан бошлаб 15 октябрь куни соат 15.00 гача қабул қилинади.

**Тендер комиссияси ишчи органининг номи ва манзили:**

***Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси — 130000, Қарши шаҳри, Хонобод катта йўли, 28-уй. Телефон: (8-375) 223-01-60, факс: 223-03-65. E-mail: qashqadaryo.ssb@minzdrav.uz. Республика молия вазирлиги ғазначилиги, ғазна ҳ/р 23402000300100001010. Банк номи: Марказий банк Тошкент шаҳар бош бошқармаси ҲККМ, МФО 00014, СТИР 201122919. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, ш/ҳ 400121860104017950100054007, СТИР 202445998, ОКОНХ 97400.***

1532А/1081

## ОБ-ҲАВО (15 сентябрь)

| Ҳудуд | Тун | Кун |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида | +8 +13 | +23 +28 |
| Бухоро ва Навоий вилоятларида | +10 +15 | +25 +30 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида | +10 +15 | +25 +30 |
| Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида | +11 +16 | +28 +33 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида | +10 +15 | +25 +30 |
| Тошкент шаҳрида | +11 +13 | +27 +29 |



## 16 сентябрь — Халқаро озон қатламини ҳимоя қилиш куни

*Озон қатлами ҳақидаги қисқача ва энг оддий таъриф шундай: у сайёрамизни ультрабинафша нурларидан сақлаб, тирик организмга зарар етказиши мумкин бўлган турли хавф-хатарлардан ҳимоя қилади. Шу боис ҳам инсоният тақдири, келажаги учун мазкур қатламнинг аҳамияти ниҳоятда катта. Бироқ одамзоднинг эртани ўйламай, табиатга нисбатан хўжасизларча муносабатда бўлиши охир-оқибат атроф-муҳит мувозанатини издан чиқариб, ўнлаб экологик муаммолар қаторида, озон қатламининг емирилишига ҳам сабаб бўлди. Афсуски, бу жараён ҳали барҳам топганича йўқ. Олимларнинг фикрича, агар аҳвол шу зайлда давом этаверса, яқин келажакда иқлим билан боғлиқ вазият ҳозиргидан-да хавфли тус олиб, буни тузатишнинг деярли имкони қолмайди.*

# Сайёрамиз қалқони

**Уни емирилишдан муҳофаза этиш ҳамжиҳатликни талаб қилади.**

Вулқонларнинг ҳаракатга келиши, олтингугурт бирикмалари билан тўйинган газларнинг ҳавога тарқалиши, турли электрон жиҳозлар, автомашиналардан чиқадиган заҳарли газлар, завод ва фабрикалардан тарқалаётган зарарли тутунлар, ўт ўчириш, саноатда хлорфтор углеродлар туркумига кирувчи кимёвий моддаларнинг ишлатилиши озон қатламида тешиклар пайдо бўлишига сабаб бўлувчи асосий омиллардир.

1985 йили инглиз олимлари дунё ҳамжамиятини муҳим янгиликдан огоҳ этишди. Бу уларнинг Антарктида осмонидаги озон қатламида катталиги АҚШнинг шимолий қисми майдоничалик келадиган йирик туйнук пайдо бўлганлиги ҳақидаги хабар билан боғлиқ эди. Албатта, ушбу таҳликали хабар дунё ҳамжамиятини зарур чоралар кўришга ундамасдан қолмасди. Ўша йили Вена шаҳрида ўтказилган махсус конференцияда "Озон қатламини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Вена конвенцияси қабул қилинди. Орадан икки йил ўтиб, 16 сентябрда озон қатламининг емирилишига қарши қатор моддаларни ўзида жамлаган Монреаль протоколи ҳам амалиётга жорий этилди ва худди шу сана дунё миқёсида "Озон қатламини ҳимоя қилиш куни" сифатида белгилаб қўйилди. Бундан кўзланган асосий мақсад дунё аҳлини мазкур глобал экологик муаммони бартараф этишдаги бирдамлигини таъминлаш, ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, ҳеч бир давлат ўз ҳудудида экологик вазиятни барқарорлаштиришдек муҳим вазифага бефарқ қарамаслигига эришишдан иборат эди.

— Озон қатламининг емирилиши нафақат экологик муаммоларни келтириб чиқаради, балки ижтимоий, иқтисодий соҳаларнинг ҳам барқарор ривожланишига ўзининг салбий таъсирини кўрсатади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ходими Хония Асилбекова. — Бир гуруҳ мутахассислар томонидан олиб борилган изчил изланишлар натижасида маълум бўлдики, озон қатлами таркибининг 1 фоизга қисқариши дунё бўйича тери саратони касаллиги билан оғриган беморлар сонининг 3-6 фоизга ортишига олиб келаркан. Ультрабинафша нурлари инсон организми иммун тизими фаолиятида кучли ўзгаришлар пайдо қилади. Бу эса, ўз навбатида, организмнинг турли юқумли касалликларга чалинишга мойиллигини оширади,



қолаверса, ўсимликлар дунёсини ҳам бир маромда, керакли дармондориларга тўйинган ҳолда ривожланишига монелик кўрсатади. Бундан ташқари, озон қатламининг юпқалашиши табиатнинг барқарорлиги, қишлоқ хўжалиги фаолиятининг бир меъёрда ривожланишига халал бераётган иқлим ўзгариши жараёнларининг янада жадаллашишига ҳам сабаб бўлади.

Маълумотларга кўра, 1979 йилдан ҳозирги кунга қадар озон қатлами йилига 4-5 фоизга, яримшарнинг ўрта кенгликларида 7 фоизга қисқариб бормоқда. Сўнгги ўн йилликда аввалига Антарктида музликларида кузатилган туйнук Шимолий яримшар, Жанубий Аргентина, Чили ҳамда Арктикада ҳам пайдо бўлди. Ҳар йили мунтазам равишда олиб бориладиган изланишлар эса бу ҳудудлардаги туйнук йилига уч фоизга кенгайиб бораётганини тасдиқлаяпти. Қатламнинг ҳозирги кундаги ҳолати унинг илк кўринишига қиёсланганда, 50 фоизга камайганини кўрсатмоқда!

Табиат мулкига ва бевосита инсоният ҳаётига улкан талафот етказиши муқаррар бўлган мазкур муаммо ўз-ўзидан дунё аҳлини бир куч атрофида жамлаб, аниқ тўхтамга келиш лозимлигини қатъий тақозо этмоқда. Бу борада жаҳон ҳамжамияти атроф-муҳитга хлор-бром, фреон моддалар чиқаришни кескин камайтириш бўйича бир қатор диққатга сазовор натижаларга эришди. Бироқ озон қатламининг қайта тикланиши учун бир неча ўн йиллар керак. Қолаверса, атмосфера ҳавосида шу пайтгача йиғилиб қолган фреонлар емирилиши ва тозаланиши ҳам лозим. Шундан кейингина туйнуклар қайта "тўлиши"га умид қилиш мумкин экан.

Ҳозир бутун дунё бўйлаб озон қатламини қайта тиклаш борасида амалга оширилаётган ишлар, имзоланаётган ҳуқуқий ҳужжатлар ўз самарасини бераяпти, албатта. Жаҳон метеорология ташкилоти ҳамда БМТнинг атроф-муҳит бўйича дастури доирасида олиб борилган изланишлар натижасида Арктика минтақасидаги туйнук 2050 йилга, Антарктида устидаги туйнуклар эса 2065 йилга бориб бутунлай тикланиши мумкинлиги аниқланди. Албатта, бунга юқорида кўзда тутилган шартларга тўлиқ риоя этилган тақдирдагина эришиш мумкин.

**Давлатимизнинг озон қатламини ҳимоя қилишга қўшган ҳиссаси ҳамда Монреаль шартномасида кўзда тутилган мажбурият ва келишувларни аъло даражада адо этгани учун яқинда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига БМТ томонидан махсус эсдалик ёрлиғи тақдим этилди.**

Истиқлол йилларида мамлакатимизда ҳам табиатни асраб-авайлаш, атроф-муҳит мусаффолигини сақлаш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиб, тегишли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Республикамиз 1993 йилда Вена конвенцияси ҳамда Монреаль протоколини ратификация қилгани фикримиз тасдиғидир. Ана шу халқаро ҳужжатларда кўзда тутилган талаблар ижроси бўйича ҳам Ўзбекистон алоҳида намуна кўрсатмоқда. Хусусан, табиатни асраб-авайлаш соҳасидаги ишларнинг ҳаётийлигини таъминлаш, халқаро ва маҳаллий қонун ҳужжатларини аҳоли турмуш тарзига изчиллик билан сингдириш, одамлар орасида тарғибот, тушунтириш ишларини олиб бориш юзасидан ягона миллий дастур ишлаб чиқилган. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 январдаги "Озон қатламини ҳимоя қилиш соҳасидаги шартномалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажариш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2005 йил 11 ноябрдаги "Озонни бузувчи моддаларни ва таркибида улар мавжуд бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига олиб киришни ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишни тартибга солишни такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорлари қабул қилингани бу борадаги муҳим қадам бўлди.

— Ушбу ҳужжатлар экологияни ҳимоя қилиш, шу жумладан, мамлакатимизнинг озон қатламини мустаҳкамлаш жараёнларидаги иштирокини янада фаоллаштиришга хизмат қилмоқда, — дейди Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Атмосфера ҳавосини ҳимоя қилиш бошқармаси бош мутахассиси Ноила Рустамова. — Масалан, юртимизда 99,9 фоиз озон қатламини емирувчи моддалар муомаладан чиқариб ташланганини кўрилаётган чора-тадбирларнинг амалий самараси сифатида баҳолаш мумкин.

Инсоният келажаги — она-табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга бевосита боғлиқ. Шундай экан, биз табиатнинг беназир саховатлари, инъомларини асраб-авайласак, улар ҳам башарият учун беминнат хизмат қилади.

**Шаҳина ЖЎРАЕВА.**


«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ **Сирдарё вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!***

**Аукцион савдосига Мирзаобод тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:**

**1.** Сирдарё вилояти Хўжалик судининг 2008 йил 7 июлдаги 12-0809/7772(27.1)-сонли, 2008 йил 18 июлдаги 12-0809/8191(27.1)-сонли, 2008 йил 24 ноябрдаги 12-0806/18090(27.1)-сонли, 2009 йил 21 майдаги 12-0912/4690(27.1)-сонли, 2009 йил 2 июлдаги 12-0912/6947(27.1)-сонли, 2009 йил 23 октябрдаги 12-0912/14046(27.1)-сонли, 2009 йил 21 декабрдаги 12-0912/15354(27.1)-сонли ва 2009 йил 21 декабрдаги 12-0912/15332(27.1)-сонли суд қарорларига асосан хатланган, Сирдарё вилояти, Мирзаобод тумани, Наврўз қўрғони ҳудудида жойлашган, Мирзаобод тумани МТП АЖга тегишли бўлган умумий қурилиш майдони — 648,12 кв.м. бўлган, пойдевори бетон, девори пишган ғишт, томи шифер, 2 қаватли таъмирталаб ҳолдаги идора биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 206 366 765 сўм.***

**2.** ФИБ Гулистон туманлараро судининг 2009 йил 23 декабрдаги ижро варақасига асосан хатланган, Мирзаобод тумани, Янги ҳаёт қўрғонида жойлашган, «Чан Чин» ИЧСФга тегишли бўлган қуйидаги таъмирталаб ҳолдаги бино-иншоотлар такроран қўйилмоқда:

**1.** 0001-литердаги қурилиш майдони — 480,40 кв.м. бўлган идора биноси. Бошланғич баҳоси — 326 951 233,13 сўм.
**2.** 0002-литердаги қурилиш майдони — 2782,78 кв.м. бўлган омборхона биноси. Бошланғич баҳоси — 889 605 669,30 сўм.
**3.** 0003-литердаги қурилиш майдони — 69,75 кв.м. бўлган бостирма биноси. Бошланғич баҳоси — 7 093 564,45 сўм.
**4.** 0004-литердаги қурилиш майдони — 1474,26 кв.м. бўлган устахона биноси. Бошланғич баҳоси — 258 606 200,37 сўм.
**5.** 0006-литердаги қурилиш майдони — 759,2 кв.м. бўлган омборхона биноси. Бошланғич баҳоси — 313 379 383,38 сўм.
**6.** 0007-литердаги қурилиш майдони — 228,84 кв.м. бўлган ем тайёрлаш биноси. Бошланғич баҳоси — 153 506 580,10 сўм.
**7.** 0010-литердаги қурилиш майдони — 1363,08 кв.м.бўлган инкубатор биноси. Бошланғич баҳоси — 316 539 058,38 сўм.
**8.** 0012-литердаги қурилиш майдони — 684,85 кв.м. бўлган қозонхона биноси. Бошланғич баҳоси — 219 593 256,64 сўм.
**9.** 0013-литердаги қурилиш майдони — 10,53 кв.м. бўлган ҳожатхона биноси. Бошланғич баҳоси — 5 859 617,95 сўм.
**10.** 0014-литердаги қурилиш майдони — 41,79 кв.м. бўлган ўтиш биноси. Бошланғич баҳоси — 12 518 814,11 сўм.
**11.** 0015-литердаги қурилиш майдони — 14,58 кв.м. бўлган бостирма биноси. Бошланғич баҳоси — 1 600 969,77 сўм.
**12.** 0016-литердаги қурилиш майдони — 11,19 кв.м. бўлган бостирма биноси. Бошланғич баҳоси — 1 228 728,31 сўм.
**13.** 0017-литердаги қурилиш майдони — 168,08 кв.м. бўлган насосхона биноси. Бошланғич баҳоси — 27 867 993,09 сўм.
**14.** 0019-литердаги қурилиш майдони — 2399,94 кв.м. бўлган товуқхона биноси. Бошланғич баҳоси — 371 873 046,55 сўм.
**15.** 0020-литердаги қурилиш майдони — 2399,94 кв.м. бўлган товуқхона биноси. Бошланғич баҳоси — 371 873 046,55 сўм.
**16.** 0029-литердаги қурилиш майдони — 2399,94 кв.м. бўлган товуқхона биноси. Бошланғич баҳоси — 371 873 046,55 сўм.
**17.** 0030-литердаги қурилиш майдони — 2520,26 кв.м. бўлган товуқхона биноси. Бошланғич баҳоси — 388 791 397,37 сўм.

***Аукцион савдоси 2012 йил 2 октябрь куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади.***

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (тушлик вақти — 13.00 дан 14.00 гача).

Аризаларни қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2012 йил 28 сентябрь куни соат 18.00.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «КМСХ» МЧЖ Сирдарё вилояти филиали ДАТ (ОАЖ) «Асака» банки Сирдарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

**Манзил: Гулистон ш., «Бизнес маркази» биноси, 3-қават, 58-хона.**
**Тел.: (8-367) 226-38-91. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.* 1568R/1441


**● Реклама ва эълонлар ●**


**ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ҲУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЛОЙИҲА ҒОЯЛАРИНИ АНИҚЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ва 2011 йил 7 февралдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини инвестиция лойиҳаларида иштирокини рағбатлантириш йўли орқали улар учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон банклари ассоциацияси ҳузурида инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш фонди ташкил этилди.

Лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини молиялаштириш танлов асосида амалга оширилади.

Танлов қуйидаги йўналишларда бўлиб ўтади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш ҳамда техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Танловда қатнашиш учун инвестиция жиҳатидан жозибадорликка ва саноат соҳасида татбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ва бошқа ғоялар қабул қилинади.

Танловда ўз лойиҳа ғояларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:**

Ариза (намуна бўйича);
Инвестиция таклифи (намуна бўйича);
Инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

***Батафсил маълумот учун тел.: (+99871) 238-69-07, (+99871) 238-69-08. Web-site: www.ffpd.uz. E-mail: pdf.fund@gmail.com. Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Асатулла Хўжаев кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон банклари ассоциацияси биноси, 15-қават. Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.***

*1-илова*

**Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишни молиялаштириш юзасидан танловда иштирок этиш учун БУЮРТМАНОМА**

1.________________________________________
(ташаббускор ташкилотнинг тўлиқ номи ва манзили)
2.________________________________________
(тақдим этилаётган ғоявий лойиҳанинг тўлиқ номи)
3.________________________________________
(Ф.И.Ш., алоқа телефонлари, факс, почта манзили, электрон почта)
4.________________________________________

Буюртманомага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:
— Инвестиция таклифи;
— Инвестиция таклифининг паспорти.

Тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилигига кафолат бераман.

Ташкилот раҳбари

________________________________
(имзо, муҳр) (Ф.И.О.)

*2-илова*

**Инвестиция таклифининг НАМУНАВИЙ ШАКЛИ**

**1.** Лойиҳанинг номи;
**2.** Лойиҳа ташаббускори тўғрисидаги умумий маълумотлар:
номи ва реквизитлари;
асосий фаолият тури;
асосий иқтисодий (ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (кўрсатилган хизматларнинг), экспортнинг ва бошқаларнинг қиймати ва ҳажми) ҳамда молиявий кўрсаткичлари.
**3.** Негизида лойиҳани амалга оширилиши режалаштирилаётган корхона (мавжуд бўлганда) тўғрисидаги маълумотлар:
корхонанинг номи ва реквизитлари;
асосий фаолият тури, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар турлари;
охирги 3 йилдаги асосий иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлари (асосий воситаларнинг қиймати, ишлаб чиқарилган ва экспорт қилинган маҳсулотлар ҳажми, товар айланмаси, соф фойда ва бошқалар);
умумий ҳудуди ва бўш ишлаб чиқариш майдонлари;
мавжуд муҳандислик таъминоти воситалари ва инфратузилмаси тўғрисидаги маълумотлар;
кадрлар потенциали.
**4.** Лойиҳа тўғрисида маълумотлар:
*4.1.* Маркетинг:
ишлаб чиқариш учун тавсия этилаётган маҳсулот, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишнинг прогноздаги ҳажми;
дастлабки маркетинг тадқиқотларининг натижалари, ички бозорда сотиш ва экспорт қилиш имкониятининг баҳоси;
мамлакатда ва минтақада шу каби маҳсулотларнинг асосий ишлаб чиқарувчилари (мавжуд бўлганда);
маҳсулотнинг сифат ва нарх кўрсаткичлари бўйича рақобатбардошлилигининг баҳоси.
*4.2.* Ишлаб чиқариш:
лойиҳанинг хом ашё ва бошқа материал ресурслар билан таъминланганлиги, уларнинг нархи, миқдори ва сифати бўйича баҳоси;
зарур бўладиган ходимлар сони.
*4.3.* қуриш, қайта тиклаш, модернизациялаш:
инвестицияларни йўналтириш — янги қурилиш, қайта тиклаш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ёки бошқа йўналишлар.
*4.4.* Молиялаштириш:
лойиҳанинг тахминий қиймати, шу жумладан, қуриш ёки реконструкция қилиш қиймати;
объектни фойдаланишга топширишнинг тахминий муддати;
лойиҳани амалга ошириш учун ўз маблағларининг мавжудлиги ва қарз маблағларига бўлган эҳтиёж.
**5.** Лойиҳани амалга оширишдан кутилаётган натижалар:
кутилаётган йиллик тушум ва соф фойда;
экспорт ҳажми.

*3-илова*

**Инвестиция таклифининг ПАСПОРТИ**

________________________________________
(лойиҳанинг номи ва жойлашган манзили)

| № | Кўрсаткичлар номи | Ўлчов бирлиги | Лойиҳа параметрлари | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Лойиҳанинг умумий қиймати, шу жумладан: | минг долл. | | |
| 1.1. | миллий валютада | млн. сўм | | |
| 1.2. | хорижий валютада | минг долл. | | |
| 2. | Хорижий валютадаги харажатлар, ҳаммаси: | минг. долл. | | |
| 2.1. | шу жумладан, жиҳозлар сотиб олиш учун | минг долл. | | |
| 2.2. | қурилиш-монтаж ишлари учун | минг долл. | | |
| 3. | Миллий валютадаги харажатлар, ҳаммаси: | млн. сўм | | |
| 3.1. | шу жумладан, асбоб-ускуналар харид қилиш учун | млн. сўм | | |
| 3.2. | қурилиш-монтаж ишларига | млн. сўм | | |
| 4. | Ишда банд бўладиганларнинг тахминий сони | киши | | |
| 4.1. | шу жумладан, янги ташкил этиладиган иш ўринлари | киши | | |
| 5. | Лойиҳанинг тахминий қопланиш муддати, ҳаммаси | йил | | |
| 6. | ҳар йили ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори, натура шаклида | ўлчов бирлигига мувофиқ | | |
| 6.1. | шу жумладан, экспорт учун | ўлчов бирлигига мувофиқ | | |

1552A/1093



«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ **Наманган вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!***

Аукцион савдосига Мингбулоқ тумани СИБ томонидан, Наманган вилояти Хўжалик судининг 2011 йил 7 ноябрдаги 16-0603/9439-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Мингбулоқ тумани «Матлубот улгуржи чакана савдо» МЧЖга тегишли бўлган, Мингбулоқ тумани «Жомашуй» ШФЙ «Бирлашган» МФЙда жойлашган, умумий эгаллаган ер майдони — 7649,12 кв.м., умумий қурилиш ости майдони — 1704,46 кв.м. бўлган «Марказий универмаг» бино-иншоотлари такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 431 340 350 сўм.***

***Аукцион савдоси 2012 йил 2 октябрь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.***

Аукцион савдосига қўйилган мулк билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорларнинг ариза (талабнома)лари мазкур эълон чоп этилган санадан бошлаб (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 га қадар «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Наманган вилояти филиалида қабул қилинади (тушлик вақти — 13.00 дан 14.00 гача). Аризаларни қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2012 йил 28 сентябрь куни соат 18.00.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «КМСХ» МЧЖ Наманган вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк»и Наманган бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609015, МФО: 00223, СТИР: 207122519.

Аукцион савдолари Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уйнинг 4-қаватидаги мажлислар залида бўлиб ўтади.

**Қўшимча маълумотлар олиш учун манзил: Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй, 4-қават. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz Телефонлар: (8-369) 226-27-01, 226-54-47.**

*Лицензия: RR-0001.* 1569R/1441



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 954. 66 079 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.45 Топширилди — 03.30 1 2 3 4 5